

**ТДИУ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

TOSHKENT DAVLAT  
IQTISODIYOT UNIVERSITETI



TASHKENT STATE  
UNIVERSITY OF ECONOMICS



**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ  
МАЖМУА**

**ТОШКЕНТ-2021**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР  
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ  
ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ  
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ  
МАРКАЗИ**

**“БАНК ИШИ ВА АУДИТИ”  
йўналиши**

**« ЗАМОНАВИЙ БАНК ИШИ »  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Тошкент 2021**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчи:** Мамадияров З.Т.-ТДИУ, “Банк иши ва инвестициялар” кафедраси мудири, PhD., доц.

**Тақризчилар:** Каримов Ф., Тошкент Халқаро Вестминстер университети, Ph.D.  
Рахимов М., Тошкент Халқаро Вестминстер университети, PhD.

***Ўқув -услубий мажмуа Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг 2020 йил 29 декабрдаги 5-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.***

## МУНДАРИЖА

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>4</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ. ....</b>	<b>11</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....</b>	<b>17</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>79</b>
<b>V. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ .....</b>	<b>85</b>
<b>VI. ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>87</b>
<b>VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>89</b>

# І. ИШЧИ ДАСТУР

## Кириш

Мазкур ишчи дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4022-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги “2019 – 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4477-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended

learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муасасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Курснинг **вазифаларига** қуйидагилар киради:

- “Банк иши ва аудити” йўналишида педагог кадрларнинг замонавий касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;
- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;
- банк тизими ва алоҳида олинган банклар фаолиятида юзага келадиган рискларнинг турлари ва сабаблари;
- банк рискларини баҳолаш усуллари;
- банкларда рискларни бошқариш тизими ва усуллари, қарорлар қабул қилиш жараёнлари;
- тижорат банклари рискларини бошқариш фанини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;
- тижорат банклари рискларини бошқариш соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;
- “Банк иши ва аудити” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

### **Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

“Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”, “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”, “Педагогнинг касбий профессионалигини ошириш”, “Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш” ҳамда “Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги

ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Мутахассислик фанлар бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

***Тингловчи:***

- банк фаолиятини тартибга солишнинг зарурлигини;
- Базель қўмитасининг вужудга келишини;
- нақд-пулсиз ҳисоб-китоб турларини;
- электрон тўлов ҳужжатларнинг ўтиш тартиби ва бухгалтерия ёзувларида акс эттирилишини ***билиши керак.***

***Тингловчи:***

- монетар сиёсатнинг анъанавий инструментлари ва уларнинг амал қилиш механизмини тадқиқ қилиш;
- олтин-валюта захираларини бошқариш;
- банк назорати тизимининг турлари ва хусусиятларини ўрганиш;
- клиринг тизими орқали миллий валютада нақд пулсиз чакана тўловларни амалга ошириш каби **кўникмаларига эга бўлиши лозим.**

***Тингловчи:***

- Базель I ва Базель II талабларининг аҳамиятини баҳолаш;
- Базель III талаблари ва уни жорий этиш шартларини тадқиқ қилиш;
- хорижий мамлакатларда банк фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш ***малакаларига эга бўлиши зарур.***

***Тингловчи:***

- тижорат банкларининг фаолиятида Базель талабларининг муҳимлигини англаш;
- тижорат банкларида масофавий банк хизматларини ташкил этиш;
- тўлов тизимини янада ривожлантиришни йўналишларини белгилаш каби ***компетенцияларга эга бўлиши зарур.***

## **Курс ҳажми**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Бунда ўқув дастурининг 144 соат ҳажми ишдан ажралмаган ҳолда мустақил малака ошириш усуллари асосида, 144 соати тўғридан-тўғри (бевосита) малака ошириш шаклида ишдан ажраган ҳолда амалга оширилади. Малака оширишнинг бевосита шаклида бир ҳафтадаги ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми 36 соатни ташкил этади. Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони 3-илоvasи билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### **Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Мустақил таълим қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг масофавий таълим тизимидаги тегишли ўқув-методик ресурсларини мустақил равишда ўзлаштириш шаклида амалга оширилади.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон портфолио” тизимига киритиб бориши лозим.

### **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модуларни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юклараси, соат			
		Аудитория ўқув юклараси			
		жами	жумладан		
Назарий машғулот	Амалий машғулот		Кўчма машғулот		
1	Банк фаолиятини тартибга солишнинг халқаро андозалари	8	2	6	
2	Электрон (нақд пулсиз) тўлов тизими ва тўлов тизимида масофавий банк хизматларининг аҳамияти	12	4	6	2
	<b>Жами:</b>	<b>20</b>	<b>6</b>	<b>12</b>	<b>2</b>



## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу: Банк фаолиятини тартибга солишнинг халқаро андозалари**

Банк фаолиятини тартибга солишнинг зарурлиги. Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни ташкил этиш, хорижий мамлакатларда банк фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишнинг зарурлиги, Базель қўмитасининг вужудга келиши, банк назорати тизимининг турлари ва хусусиятларини ўрганиш.

#### **1. Базель I ва Базель II талабларининг аҳамияти.**

Базель қўмитасининг асосий тамойиллари, капитал етарлилигига минимал талаблари, банк назоратини ташкил этиш асослари ва капитал етарлилиги, йирик кредитлар, ликвидлилик rischi, бозор rischi, операцион риск, кредит rischi, мамлакат rischi, фоиз rischi, рискларни бошқариш rischi, ички назорат ва ички аудит тизимини ўргатишдан иборат.

#### **2. Базель III талаблари ва уни жорий этиш шартлари.**

Тижорат банкларининг ресурслари бошқаришда Базель III талаблари ва уни жорий этиш шарт шароитлари кўриб чиқилмоқда. 2013 йил биринчи январдан бошлаб 2019 йил биринчи январига қадар янги стандартларни татбиқ этиш. Базель III – Базель II га киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар. Банкнинг ўз капитали структурасидаги ўзгаришлар. Капитал етарлилигига қўйиладиган талабларнинг оширилиши. Капитални ҳимояловчи буферларни ташкил этилиши.

### **2-мавзу: Электрон (нақд пулсиз) тўлов тизими ва тўлов тизимида масофавий банк хизматларининг аҳамияти**

1. Электрон (нақд пулсиз) тўлов тизими тушунчаси ва аҳамияти. Банкларда иш кунини очиш ва тугатиш тартиби. Нақд-пулсиз ҳисоб-китоб турлари, амалий ҳолати таҳлили ва уларнинг хусусиятларига шарҳлар келтирилган. Электрон тўлов ҳужжатларнинг ўтиш тартиби ва бухгалтерия ёзувларида акс эттирилиши келтирилган.

2. Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизими таҳлили. Республикамизда жисмоний ва юридик шахслар томонидан Клиринг тизими орқали миллий валютада нақд пулсиз чакана тўловларни амалга ошириш, Клиринг тизимида тижорат банклари филиаллари, кассалари ва Ўзбекистон банклари ассоциацияси қошидаги Ягона умумреспублика Процессинг марказини улаган ҳолда, жисмоний шахсларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни, шунингдек, коммунал хизматлар ва мобил алоқа операторлари учун тўловларни реал вақт режимида амалга ошириш имкониятини яратишдан иборат.

3. Масофавий банк хизматларининг вужудга келиши ва эволюцияси, “банк хизмати” ва “масофавий банк хизматлари” иқтисодий категорияларининг илмий-назарий талқини баён қилинган, шунингдек, масофавий банк хизматларини ривожлантиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари тадқиқ қилинган. Ундан ташқари масофадан туриб бошқариладиган банк хизматлари бевосита электрон воситалар ёрдамида амалга оширилиши, масофавий банк хизматларининг турлари ва уларнинг ўзига ҳос хусусиятлари очиб берилган.

Эътироф этиш зарурки, Ўзбекистон Республикасида масофавий хизмат турларидан фойдаланиш ривожланиш жараёнида бўлиб, қисқа давр мобайнида масофадан банк хизматлари кўрсатилишини ташкил этиш ва амалга оширишга асос бўлувчи қонунчилик базаси шарҳи келтирилган.

4. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида масофавий банк хизмат турларининг амалдаги ҳолати таҳлили ривожланган мамлакатлар тажрибаси, жумладан, банкларда ахборот технологиялардан фойдаланишнинг амалдаги ҳолати, замонавий банк хизматларини кўрсатиш, жумладан «рақамли» банклар ва чакана хизматлар кўрсатишга ихтисослашган банк бўлинмаларини ташкил этиш учун инновацион банк технологияларини жорий қилиш, масофадан туриб банк хизматларини кўрсатиш, тўлов тизимини янада ривожлантиришни йўналишлари келтирилган.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1– амалий машғулот:**

#### **Банк фаолиятини тартибга солишнинг халқаро андозалари**

1. Банк фаолиятини тартибга солишнинг зарурлиги. Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни ташкил этиш, хорижий мамлакатларда банк фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишнинг зарурлиги, Базель қўмитасининг вужудга келиши, банк назорати тизимининг турлари ва хусусиятларини ўрганиш.

2. Базель I ва Базель II талабларининг аҳамияти. Базель қўмитасининг асосий тамойиллари, капитал етарлилигига минимал талаблари, банк назоратини ташкил этиш асослари ва капитал етарлилиги, йирик кредитлар, ликвидлилик rischi, бозор rischi, операцион риск, кредит rischi, мамлакат rischi, фоиз rischi, рискларни бошқариш rischi, ички назорат ва ички аудит тизимини ўргатишдан иборат.

3. Базель III талаблари ва уни жорий этиш шартлари. Тижорат банкларининг ресурслари бошқаришда Базель III талаблари ва уни жорий этиш шарт шароитлари кўриб чиқилмоқда. 2013 йил биринчи январдан бошлаб 2019 йил биринчи январига қадар янги стандартларни татбиқ этиш. Базель III – Базель II га киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар. Банкнинг ўз капитали структурасидаги ўзгаришлар. Капитал етарлилигига қўйиладиган талабларнинг оширилиши. Капитални ҳимояловчи буферларни ташкил этилиши.

### **2– амалий машғулот:**

#### **Электрон (нақд пулсиз) тўлов тизими ва тўлов тизимида масофавий банк хизматларининг аҳамияти**

1. Электрон (нақд пулсиз) тўлов тизими тушунчаси ва аҳамияти. Банкларда иш кунини очиш ва тугатиш тартиби. Нақд-пулсиз ҳисоб-китоб турлари, амалий ҳолати таҳлили ва уларнинг хусусиятларига шарҳлар келтирилган. Электрон тўлов ҳужжатларнинг ўтиш тартиби ва бухгалтерия ёзувларида акс эттирилиши келтирилган.

2. Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизими таҳлили. Республикамизда жисмоний ва юридик шахслар томонидан Клиринг тизими

орқали миллий валютада нақд пулсиз чакана тўловларни амалга ошириш, Клиринг тизимида тижорат банклари филиаллари, кассалари ва Ўзбекистон банклари ассоциацияси қошидаги Ягона умумреспублика Процессинг марказини улаган ҳолда, жисмоний шахсларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни, шунингдек, коммунал хизматлар ва мобил алоқа операторлари учун тўловларни реал вақт режимида амалга ошириш имкониятини яратишдан иборат.

3. Масофавий банк хизматларининг вужудга келиши ва эволюцияси, “банк хизмати” ва “масофавий банк хизматлари” иқтисодий категорияларининг илмий-назарий талқини баён қилинган, шунингдек, масофавий банк хизматларини ривожлантиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари тадқиқ қилинган. Ундан ташқари масофадан туриб бошқариладиган банк хизматлари бевосита электрон воситалар ёрдамида амалга оширилиши, масофавий банк хизматларининг турлари ва уларнинг ўзига ҳос хусусиятлари очиқ берилган. Ўтироқ этиш зарурки, Ўзбекистон Республикасида масофавий хизмат турларидан фойдаланиш ривожланиш жараёнида бўлиб, қисқа давр мобайнида масофадан банк хизматлари кўрсатилишини ташкил этиш ва амалга оширишга асос бўлувчи қонунчилик базаси шарҳи келтирилган.

4. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида масофавий банк хизмат турларининг амалдаги ҳолати таҳлили ривожланган мамлакатлар тажрибаси, жумладан, банкларда ахборот технологиялардан фойдаланишнинг амалдаги ҳолати, замонавий банк хизматларини кўрсатиш, жумладан «рақамли» банклар ва чакана хизматлар кўрсатишга ихтисослашган банк бўлинмаларини ташкил этиш учун инновацион банк технологияларини жорий қилиш, масофадан туриб банк хизматларини кўрсатиш, тўлов тизимини янада ривожлантиришни йўналишлари келтирилган.

### **КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

“Замонавий банк иши” модули бўйича ўқув режада “Электрон (нақд пулсиз) тўлов тизими ва тўлов тизимида масофавий банк хизматларининг аҳамияти” мавзусида 2-соат кўчма машғулот режалаштирилган.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модулнинг назарий материални ўзлаштиришда қуйидаги:

- ўқув ишини ташкиллаштиришнинг интерфаол шаклларида: кўргазмали маъруза, савол-жавобли маъруза, суҳбат-маърузалар орқали ташкиллаштириш назарда тутилган.

- ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари сифатида қуйидагилардан фойдаланиш назарда тутилган:

- маъруза машғулотларида оммавий, жуфтлик, индивидуал;
- амалий машғулотларда жуфтлик, индивидуал.


## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

Муаммони жамоали тарзда ҳал этишнинг усуллари ва воситалари

### Музокаралар

Музокаралар – аниқ ташкил этилган икки томон фикрларининг алмашинуви.

#### Музокараларни ўтказиш жараёнининг тuzилиши



**Баҳс** – ўз фикрини ифода этишни хоҳловчилар орасида бирон бир мунозарали масалани муҳокама қилиш, ҳақиқатни аниқлаш ва тўғри қарорни қабул қилиш.

## **Анжуман-баҳсининг роли**

**Олиб боровчи** – ўргатувчи барча ваколатларига эга – баҳс боришини бошқаради, исботлар ва рад этишларнинг далилигини, тушунча ва атамаларнинг аниқлигига эътибор қаратади, мулоқотнинг барча қоидаларга муносиб тарзда ўтишини кузатади.

**Оппонент** – тадқиқотчилар муҳотида қабул қилинган оппонентлик жараёнини амалга оширади. У нафақат нутқ сўзловчининг асосий нуқтаи назарини ифодалаш, балки уни тушиниши орқали унинг хатоларини топиши ва ҳал этишнинг ўз вариантини тақдим этиши зарур.

**Мантиқчи** – нутқ сўзловчи ва оппонент фикларидаги қарама-қаршиликларни ва мантиқий хатоларни аниқлайди, тушунчалар тавсифини аниқлайди, далиллар ва рад этишларни ва фаразни олдинга суриш ҳаққонийлигини таҳлил қилади.

**Психолог** – маҳсулли мулоқотни ташкил этиш учун жавоб беради, биргаликда ҳаракатларни амалга ошириб, келишувга эришади, баҳснинг можарога айланишига йўл қўймайди.

**Эксперт** – баҳс усулининг натижавийлигини баҳолайди, олдинга сурилган фаразлар ва таклифлар, хулосалар ҳаққонийлигини баҳолайди, аниқ бир иштирокчининг қўшган ҳиссаси тўғрисида фикрларни билдиради ва бошқалар.

### **«Ақлий ҳужум»**

**Ақлий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони)** – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Ақлий ҳужум вақтида иштирокчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қилади) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.


Ақлий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив кўникмаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.

• **Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум** – иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бутун ўқув гуруҳи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.

- **Оммавий ақлий хужум** – микро гуруҳларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.

- Ҳар бир гуруҳ ичида умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

### Кўргазмали тақдим этиш: график ташкил этувчилар




### Тоифали жадвал

Тоифа – мавжуд ҳолат ва муносабатларни акс эттирадиган белги (умумий).  
- ажратилган белгиларга кўра олинган маълумотларни бирлаштиришни таъминлайди.  
- тизимли мушоҳада қилишни, маълумотларни таркиблаштириш ва тизимлаштириш кўникмасини ривожлантиради.


Тоифали шарҳни тузиш қоидалари билан танишилади. Ақлий ҳужумдан сўнг (кластерга ажратиш) мини гуруҳларда янги ўқув материали билан танишилади ва олинган маълумотлар фрагментларини бирлаштиришга имкон берадиган тоифаларни излаш ишлари олиб борилади.

Тоифалар жадвал кўринишида расмийлаштирилади. Ҳоҳ маълумотлар жадвалида тегишли тоифалар бўйича тақсимланади. Иш жараёнида маълум бир тоифалар номлари ўзгартирилиши мумкин. Янгилари пайдо бўлиши мумкин

Ишнинг натижавий тақдими



### Венн диаграммаси



## SWOT-таҳлил жадвали

**SWOT** – таҳлил номланиши инглизча бош ҳарфлардан олинган:

**Strengths** – кучли томони, корхонада ички ресурслар мавжудлиги назарда тутилади;


**Weakness** – кучсиз томони ёки ички муаммолар мавжудлиги;

**Opportunities** – имкониятлар; корхона ривожланиши учун мавжуд имкониятлар;

**Threats** – хавфлар; ташқи муҳитдаги мавжуд хавф-хатарлар

Қоидага кўра, SWOT – таҳлилининг муваффақияти ташкилотга боғлиқ бўлмай, балки келгусидаги стратегик мақсад ва лойиҳаларни ишлаб чиқишда унинг натижаси ҳисобга олинishiга боғлиқ бўлади. Уни қўллашда элементларини қуйидагича талқин қилиш мумкин:

### “Кучлар таҳлили” графиги



### «Кучлар таҳлили» графигини тузиш қоидаси

Координат ўқи чизилади, чапга стрелка (кучлар) билан корхона ривожланиши ёки муайян бизнес лойиҳасини амалга оширишга халақит берувчи тўсиқлар жойлаштирилади. Ушбу стрелкалар катталиги жиҳатдан у ёки бу муаммога таъсири ҳамда жиддийлигига мос келиши лозим бўлади.

Сўнгра қарама-қарши томонга ушбу кучларни енгиб ўтиш воситалари стрелка кўринишида экс эттирилади. Уларнинг сони графикнинг ўнг томонидан натижа чиқара оладиган даражада бўлиши лозим.

Умуман олганда, бу келгусида аниқлаштиришни ва бўлақларга ажратишни талаб этадиган кучларни нисбий баҳолаш усули ҳисобланади.

### “Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун



фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натига (What).

### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ яққа тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ яққа ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

### Кейс.

Амалий вазият. Илмий-техника дастурлари доирасида бажариладиган тақдиротлар бўйича эълон қилинган танловда Сизнинг грантингиз ғолиб бўлди. Грант ижрочилари белгиланган бўлсада, ташкилот раҳбари ижрочи сифатида Сиз танимайдиган бир ёш мутахассисни грантга қўшишга кўрсатма берди. Сиз андиша қилиб уни грантга ижрочи сифатида киритдингиз ва у бажариши лозим бўлган вазифаларни белгилаб бердингиз. 6 ой ўтди. Ижрочи ҳеч бир вазифани бажармади, лекин иш ҳақи олиб юрди. Гранд иштирокчилари ўртасида эътирозлар юзага келди.

Бундай ҳолатда Сиз гранд раҳбари ёки ижрочи сифатида қандай йўл тутасиз?

1. Раҳбарингизга арз қилиб, вазиятни тўғрилаш учун ёрдам сўрайсиз.
2. Ёш мутахассис вазифаларини ўзингиз бажариб боришингиз бошқа ижрочиларга айтиб, вазиятни тўғрилайсиз.
3. Ёш мутахассис вазифаларини бошқа ижрочилар бажариши учун тақсимлаб берасиз.
4. Маслаҳатимиз уни гранддан чиқариб ташлайсиз.
5. Ёки бошқача йўлларини топасиз.

## III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

**1-мавзу: Банк фаолиятини тартибга солишнинг халқаро андозалари.**

**Режа:**

- 1. Банк фаолиятини тартибга солишнинг зарурлиги.**
- 2. Базель I ва Базель II талабларининг аҳамияти.**
- 3. Базель III талаблари ва уни жорий этиш шартлари.**

**Таянч иборалар:** *Федерал Резерв Тизими, I даражали капитал, II даражали Базель талаблари, банк назорати, капитал етарлилиги.*

### **1.1. Банк фаолиятини тартибга солишнинг зарурлиги.**

Жаҳоннинг ривожланган давлатлари тажрибасига кўра, эмиссия банки ва тижорат банклари тармоғини ўз ичига олган икки поғонали банк тизимини самарали фаолият кўрсатишини йўлга қўймай туриб, давлат иқтисодиётини юксалтириш ва унинг барқарорлигига эришиш мумкин эмас. Бунда биринчи поғонада Марказий банк бўлиб, у мамлакатнинг пул муомаласини ва барча кредит муассасаларининг фаолиятини тартибга солиб туради. Иккинчи поғонани эса тижорат банклари ва бошқа кредит ташкилотлари шакллантиради.

Банк тизимининг бундай бўлиниши авваламбор, Марказий банкнинг ва тижорат банкларининг мақсадлари, вазифалари ва мавқеини белгилайди. Тижорат банклари ўз фаолиятида жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатишни тижорат асосида амалга оширадilar. Марказий банк эса мамлакатнинг макроиқтисодий кўрсаткичларини, республика молия секторининг мустаҳкамлигини, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган фаолиятни амалга оширади.

Жумладан, банк назорати бўйича Базель қўмитасининг талабларига асосан, тижорат банкларининг маблағлари етарлилиги ва ликвидлилиги даражаси кўрсаткичини қўллаб-қувватлаш, бошқарув ва банк таваккалчилиги тизимини CAMELS тизими орқали назорат қилиш, шу жумладан, илғор хорижий амалиётлари асосида тижорат банкларида менежмент таваккалчилиги самарадорлигини янада ошириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан эканлиги эътироф этилмоқда.<sup>1</sup>

Банк тизими барқарорлигини мустаҳкамлаш, омонатчилар ва кредиторлар манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида тижорат банклари фаолиятини баҳолашда «CAMELS» рейтинг тизимидан фаол фойдаланилмоқда.<sup>2</sup>

Хусусан, янги иқтисодий воқеийликларда миллий валютанинг барқарорлигига асосан унинг ички харид қобилияти пасайишининг ёки

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонида 1-илова, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2016 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари, www.cbu.uz

мамлакатда нархларнинг ошишини олдини олиш орқали эришиш мумкинлигини инобатга олиб, Марказий банк томондан 2018 йилдан бошлаб пул-кредит сиёсатини амалга оширишда, асосий эътибор, иқтисодиётда нархлар барқарорлигини таъминлашга қаратилади. Шундан келиб чиққан ҳолда “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонунга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ишлари амалга оширилмоқда.<sup>3</sup>

Шунингдек, тижорат банклари ва уларнинг бўлинмалари фаолиятини назорат қилиш ҳамда тартибга солиш механизмларини янада такомиллаштириш мақсадида уларда капитал етарлилиги, ликвидлик, активлар сифати ва диверсификацияси ҳамда банк бошқарув органларининг фаолияти баҳоланиб, тегишли назорат чоралари кўриб борилмоқда.<sup>4</sup>

Жаҳон молия тизимида юз бераётган жиддий ўзгаришлар, шунингдек мамлакатда миллий иқтисодиётни кенг қўламли ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар пул-кредит сиёсатини шакллантириш, амалга оширишда ҳамда банк тизимини янада ривожлантиришда янгича ёндашув ва принциплар қўлланилишини тақозо қилмоқда.

Холис тан олиш керакки, бугунги кунда пул-кредит сиёсати ва банкларни тартибга солишдаги имкониятлардан амалда тўлақонли фойдаланилмапти, пул-кредит инструментларининг лозим даражада ишлаши ва самарадорлигини таъминловчи трансмиссион механизмларнинг ривожланмаганлиги қўйилган мақсадларга эришишни қийинлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг бошқарув ва риск-менежменти сифатига таъсир қилиш механизмларининг такомиллашмаганлиги, банклар фаолиятига маъмурий аралашув амалиётининг давом этаётганлиги, айниқса, банклар томонидан ўз фаолиятига хос бўлмаган корхоналар ташкил этилиши, шунингдек уларнинг фаолият йўналишига мувофиқ бўлмаган вазифаларнинг юклатилиши банк назоратини таъсирчан амалга оширишни қийинлаштиради.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, шунингдек пул-кредит сиёсати, умуман банк тизимининг барқарор фаолият кўрсатиши устидан самарали назоратни ва Марказий банк фаолиятини янада такомиллаштиришни таъминлаш мақсадида Марказий банк фаолиятининг бир қанча стратегик мақсадли йўналишлари белгилаб олинди.<sup>5</sup>

Амалга оширилаётган ислохотлар доирасида Марказий банк фаолиятининг устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

биринчидан, асосиз инфляцион кутилмаларни олдини олиш мақсадида инфляцион таргетлашнинг принцип ва механизмларини босқичма-босқич татбиқ қилиш билан пул-кредит сиёсати ва унинг инструментларини тубдан такомиллаштириш, ушбу усулга ўрта муддатли истиқболда тўлиқ ўтиш ва пул-

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2017 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2018 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари, [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2016 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари, [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5296-сонли Фармони

кредит соҳасида амалга оширилаётган сиёсат ва чораларнинг шаффофлигини ошириш;

иккинчидан, инфляция омилларини чуқур ўрганиш ва тўлов балансини ҳисобини юритиш ва таҳлил қилиш тизимини тўлиқ шакллантириш асосида пул-кредит сиёсатини шакллантириш, қабул қилиш ва амалга ошириш услубларини такомиллаштириш мақсадида статистик, таҳлилий ва тадқиқот базасини ривожлантириш;

учинчидан, банк тизимини тартибга солиш ва назорат қилиш механизмларини, шу жумладан тижорат банклар фаолиятида юзага келадиган муаммоларни дастлабки босқичларида аниқлаш ва уларни бартараф этувчи чоралар кўриш имконини берувчи тижорат банклар таваккалчилигини бошқариш ва баҳолаш тизимини такомиллаштириш;

тўртинчидан, ўрта ва узоқ муддат истиқболларда иқтисодий барқарор ўсишини таъминловчи муҳим таркибий қисм сифатида банк тизимини ривожлантириш, тижорат банклар ва тадбиркорлик субъектларининг ўзаро тўлиқ шериклик муносабатларини шакллантириш, аҳолининг банк тизимига ишончли институционал шерик сифатида ишончини мустаҳкамлаш учун рақобат шароитларни яратиш;

бешинчидан, тўлов тизимини янада ривожлантириш, шу жумладан реал вақт режимида тезкорлик билан ҳисоб рақамларни бошқариш ва банк операцияларини ўтказиш имконини берувчи масофадан банк хизматлари кўрсатган ҳолда тижорат банкларининг самарали ахборот алмашинуви тизимини ташкил этиш;

олтинчидан, нобанк кредит ташкилотларининг молиявий барқарорлигини кучайтириш, шунингдек уларнинг фаолияти устидан назоратни кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

еттинчидан, банк хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига молиявий очикликни ва уларнинг саводхонлик даражасини ошириш каби мақсадлар Марказий банкнинг устувор вазифаларидан эканлиги келтирилган.<sup>6</sup>

Ҳар қандай давлатнинг иқтисодий соҳасидаги пировард мақсади барқарор иқтисодий ўсишни, юқори бандликни, барқарор ички баҳоларнинг мавжудлигини таъминлаш ҳисобланади. Ушбу мақсадга иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида эришилади. Пул-кредит сиёсати, бюджет сиёсати, нарх-наво сиёсати, иш ҳақи ва бандлик сиёсати иқтисодий сиёсатнинг муҳим таркибий қисмлари ҳисобланади.

Пул-кредит сиёсати инфляцияни жилавлан, ишлаб чиқаришнинг пасайиши ва ишсизликнинг олдини олиш, тўлов балансининг мувозанатлашган ҳолатини сақлаб туриш, фаол бозор конъюнктурасини таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган сиёсатдир.

Мазкур сиёсат барча давлатларда Марказий банк томонидан амалга оширилади. Айрим давлатларда у Миллий банк деб ҳам юритилади, АҚШда эса Федерал Резерв Тизими (ФРТ) деб аталади ва баъзан Фед деб юритилади.

---

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5296-сонли Фармони

Банк фаолияти барча мамлакатларда қатъий равишда тартибга солинади ва назорат қилинади. Зеро, банклар мамлакатдаги капитални сафарбар қилиш ва кредитлар тақдим этиш билан мамлакат молия тизимида фаол иштирок этади. Ва албатта, назоратнинг асосий мақсади аҳолини қолаверса, мамлакат манфаатларини ҳимоя қилишдир. Банк назоратини амалга оширишнинг бир қатор сабаблари манфаатлар нуқтаи-назаридан келиб чиқади ва улар қуйидагилардан иборат:

**Биринчидан,** банклар мамлакат аҳолисининг жамғармасини асосий сақловчиси ҳисобланади. Банклар фаолиятини назорат қилиш мамлакат аҳолисини моддий зарар кўришдан сақлаш учун ташкил этилади. Чунки банкларнинг асосий мақсади даромад олишга қаратилган бўлиб, банк даромадлилиги унинг ликвидлиги билан тескари мутаносибликда бўлган ҳолда риск билан тўғри мутаносибликдадир. Бу эса баъзи ҳолларда банкларнинг инвестицион ва кредит портфелининг ёмонлашувига олиб келиши мумкин.

Банк мижозлари эса банк рўпара келаётган риск ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлмайди. Демак, банкнинг рискни қабул қилиш эҳтимолининг ошиши мамлакат аҳолисининг жамғармасининг жиддий зарар кўришига олиб келади. Банкнинг салбий фаолиятидан аҳоли жамғармаларининг фақат қисқа муддатли юқори ликвидли депозитларга қўйилган қисми зарар кўриб қолмай, балки узоқ муддатли жамғармаси масалан, пенсия фондига ажратилган ажратмалар ҳам жиддий зарар кўриши мумкин. Бу эса банк назоратининг нақадар муҳимлигини кўрсатади.

**Иккинчидан,** банк кредиторлари манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида банклар фаолиятини назорат қилиш, тартибга солиш амалиётлари қўлланилади. Хўжалик юритувчи субъектлар ва индивидуал шахслар ўз фаолиятларини ривожлантириш, турмуш фаровонликларини ошириш учун тижорат банкларининг турли хил кредитларидан фойдаланишади. Ушбу кредитлар кенг омма учун йўналтирилишини ҳамда банк хизматларининг нархини ошиб кетмаслигини таъминлаш мақсадида ҳукумат, банк назоратининг билвосита воситаси бўлган банклар ўртасидаги кучли рақобатни таъминлаб, эришади.

**Учинчидан,** ҳукумат ўз иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш учун самарали банк назоратини ташкил қилишга ҳаракат қилади. Банклар ҳукуматнинг фискал агенти бўлиш билан бирга уларнинг ўзлари ҳам мамлакат бюджетига солиқ тўловларини амалга оширишлари билан ҳукумат томонидан уларнинг юқори даромадлилиги қўллаб-қувватланади ва шу билан бирга, юқори даромадлилик паст даражадаги ликвидлиликни келтириб чиқариб, ўз навбатида юқори риск туфайли мамлакатда тизимли рискни келтириб чиқаради. Бу бутун иқтисодиётни инқирозга олиб келиши мумкин.

Бундан ташқари, банклар бўш пул маблағларини жалб етиб, уларни кредитлар учун йўналтириш билан мамлакатдаги иқтисодий фаолликни ошириб, ишсизлик даражасини камайтиради, шу билан бирга, мамлакатдаги пул массасига билвосита таъсир етиб, инфляцияни келтириб чиқаради Шунинг учун ҳукумат самарали банк назоратини ташкил этишга ҳаракат қилади.

**Тўртинчидан,** банк акциядорлари ва ишчи-ходимлар манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳам банк назорати ташкил этилади.

Бозор иқтисодиёти тўлиқ қарор топган ривожланган давлатларда давлатнинг банк назорати соҳасидаги сиёсатининг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- а) пул таклифи устидан назорат ўрнатиш;
- б) иқтисодиётдаги молиявий нобарқарорликларга барҳам бериш;
- в) банкларнинг фойда асосида фаолият юритишини таъминлаш;
- г) банк тизимида нисбатан ишончсизлик туйғуларини юзага келишига йўл қўймаслик.

Иқтисодиётга давлат аралашувининг қисқариши, молиявий муносабатларни эркинлаштирилиши барқарор пул-кредит тизимини ривожлантиришга имконият туғдиради. Айни вақтда, кучайиб боровчи рақобат, ўзгарувчан баҳолар шароитида банк рисклари ва нобарқарорлик кучаяди. Йирик банкларнинг бир вақтнинг ўзида банкрот бўлиши миллий иқтисодиётга жиддий зиён етказди, тўлов тизимининг издан чиқишига, пул таклифининг кескин қисқаришига олиб келиши мумкин. Демак, банк тизимини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш орқали умумий нобарқарорлик даражасини пасайтириш мумкин.

Турли мамлакатларда тижорат банклари фаолиятини тартибга солишнинг турлича механизмлари қўлланилади. Шунингдек, ташкилий ёндашувлар ҳам хилма-хилдир. Аммо бирорта механизм кредит институтларининг жорий фаолиятига давлатнинг аралашуви мавжуд бўлган шароитда самара бермаган. Банкларни банкротликдан ҳимоя қилиш тизимида етакчи ўринни банкларнинг ички бошқарув тизимининг сифати эгаллайди. Шу сабабли, банк тизимини такомиллаштиришга қаратилган ҳаракатлар банк муассасаларини ривожлантириш жараёнида уларни бошқариш ва тартибга солишни мустаҳкамлаш масаласига йўналтирилиши лозим.

Тижорат банкларининг банкрот бўлиши аҳолининг, корхона ва ташкилотларнинг пул маблағларини йўқотилишига олиб келади. Айниқса, банкларнинг тизимли инқирозга юз тутиши хўжалик субъектларининг оммавий тарзда банкрот бўлишига олиб келиши мумкин. Бунинг оғир ижтимоий – иқтисодий оқибатлари сифатида, биринчидан, аҳолининг, корхона ва ташкилотларнинг банк тизимида бўлган ишончига путур етади; иккинчидан, жамиятдаги ижтимоий вазиятни оғирлашувига олиб келади; учинчидан, ҳукуматнинг иқтисодий манфаатларига зиён етади.

Банк иши пайдо бўлган вақтдан бошлаб алоҳида банкларнинг банкротлиги, депозитларни оммавий тарзда банклардан қайтариб олиниши натижасида юзага келадиган нобарқарорликлар банк тизимини тартибга солиш амалиётининг вужудга келишини тақозо қилди. Банк фаолиятини тартибга солиш орқали ҳукумат омонатчиларни ва кредиторларни молиявий йўқотишлардан, иқтисодиётни эса банкларнинг банкротлиги натижасида юзага келадиган оғир оқибатлардан ҳимоя қилади.

Ўзбекистон банк тизимини қайта қуриш мустақил давлатимиз иқтисодий тизимининг муҳим йўналишларидан бири бўлди. Хўжалик механизми бир маромда фаолият юритиши барқарор ишлайдиган банклар миллий тизимини тақозо этади. Бугунги кунда иқтисодиётни бозор иқтисодиётига ўтиш даврида

сифат жиҳатидан бутунлай янги банк тизими ҳамда банк назоратини туб асосини яратиш ва қуриш узлуксиз давом эттирилмоқда.

Банклар устидан назорат қилиш, улар фаолиятида муайян чеклашларни ўрнатиш иқтисодий эркинликка зид бўлган ҳолат сифатида қаралиши мумкин. Лекин жаҳоннинг кўпгина ривожланган давлатларида банклар, шунингдек, бошқа молия ташкилотларининг фаолиятлари кўп даражада давлат томонидан тартибга солинади. Бошқача қилиб айтганда, ҳатто ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида молиявий сектор жиддий равишда тартибга солинар экан, ўтиш даврида буни тўла оқлаш мумкин.

Тўғри, банк фаолиятини тартибга солишда ҳаддан ташқари ва рақобатнинг ривожланишига халақит берадиган омилга айланадиган чегарани белгилаш осон эмас. Шунинг учун, жаҳонда умумий қабул қилинган тамойиллар ва қоидалар ҳар бир мамлакатда аниқ вазият таҳлилини ҳисобга олган ҳолда қўлланилади.

У ёки бу банкнинг фаолиятида аниқланган камчиликларни тузатишга мажбур қилиш учун назорат органи ихтиёрида таъсир кўрсатиш чораларининг муайян тўплами бўлиши керак. Республикамиздаги янги банк қонунларимизга кўра, турли вазиятларда фойдаланиш мумкин бўлган табақалашган чоралар мажмуи кўзда тутилган. Жумладан, иқтисодий меъёрларни ўзгартириш, мажбурий резерв фондини ошириш, айрим банк операцияларини амалга оширишни тақиқлаб қўйиш, ҳиссадорларга дивидендлар тўлашни тўхтатиб қўйиш, банк устидан васийлик ўрнатиш кабилардир. Энг сўнгги чора эса, уларга берилган лицензияларни қайтариб олишдан иборатдир.


Тижорат банкларини назорат қилиш деганда банкларнинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида доимий равишда амалга ошириладиган назорат тушунилади.

Шу ўринда ривожланган давлатларда, хусусан Европа Иттифоқи давлатларида, АҚШ, Канада, Япония каби давлатларда банк назоратининг зарурлиги 1975 йилга келиб ўз аксини топди, яъни ривожланган давлатлар банк назоратини фақат молиявий секторда эмас, балки, умуман иқтисодиётда асосий роль ўйнашини тан олдилар. Натижада банк назорати бўйича халқаро ташкилот “Базель қўмитаси” вужудга келди. Банкларнинг тизимли рискни келтириб чиқариши, бир-бири билан иқтисодий алоқада бўлган давлатларни ҳам иқтисодий инқироз ёқасига олиб келиши мумкин. Бу худди Лоренснинг “Капалак эффекти” назариясига ўхшайди. Унга кўра, Бразилияда қанот қоққан капалаклар Техасда торнадо бўлишига олиб келади. Бундай инқирозлар эҳтимолининг ортиши мамлакатлар ўртасида минтақавий банк назоратини тузиш зарурлигини келтириб чиқарди.

Ҳозирги кунда банк назорати тизимини қуйидаги турларга бўлиш мумкин (1-расм).

Давлатнинг пул-кредит сиёсати, хусусан тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш сиёсати қонун ҳужжатлари, ҳукумат қарорлари, Марказий банкнинг йўриқномалари асосида амалга оширилади. Ҳукуқий меъёрлар банклар учун мажбурий бўлган чекловлар ва фаолиятининг қатъий чегараларини белгилаб беради. Бу эса, банк сифатсиз бошқарилган тақдирда

жиддий зарарлар юзага келишини олдини олади. Банк фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларининг мустақкам эмаслиги банкларнинг банкрот бўлиши ва умумий нобарқарорликни юзага келишини кучайтиради.



1-расм. Банк назорати тизимининг турлари<sup>7</sup>

Банк тизимини ишончли тарзда ҳимоя қилишни таъминлайдиган ҳуқуқий тартибга солиш меъёрларини яратиш лозим. Масалан, иқтисодий нормативлар барча тижорат банкларига нисбатан бир хил тарзда қўлланилиши лозим. Акс ҳолда, айрим банклар эркин рақобат муҳитидан четга чиқиб қолади.


Банк назорати 100 йилдан ортиқ муддат давомида АҚШ да ва Ғарбий Европа давлатларида ўзининг қандай кўринишда бўлишидан қатъий назар, шаклланиб келган эди.

Базель қўмитаси бутун дунё мамлакатлари учун банк назорати тамойилларини ишлаб чиқади ва минтақавий банк назоратида банклар фаолияти, уларнинг назорат қилиш тамойиллари ишлаб чиқилиб, давлатлар уни ўзларининг иқтисодий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда банк назорати бўйича стандартларига мувофиқлаштиришади.

<sup>7</sup> Норқобилов С., Дадабоева Х., Жўраев Ў. Халқаро амалиётда банк назорати. Магистрлар учун дарслик / Тошкент Молия институти.–Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2007, 180 бет.



Умуман олганда, банк назоратининг мамлакатлар ўртасида ва халқаро миқёсда камраб олиш кўламини куйидагича тасвирлаш мумкин.



**2-расм. Банк назоратининг кўламига кўра турлари<sup>8</sup>**

Кенг маънода айтганда, банк назорати бу ҳукумат томонидан молиявий секторни ишончлилигини, барқарорлигини таъминлашда ишлатиладиган тизимдир.

Барча давлатлардаги банк назорати тизимлари олдида 2 та муҳим вазифа туради:

1. Банк тизимини мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий ўсишига ҳамкорлик қилиш.
2. Барча омонатчилар ва кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилиш.

Банк назорати олдида турган асосий вазифа бутун банк тизими барқарорлигини таъминлаш бўлсада, лекин алоҳида олинган банк дуч келиши мумкин бўлган жиддий муаммоларни ва инқирозларни олдини олиш мақсадга эришишдаги энг яхши йўлдир. Омонатчилар ва кредиторлар манфаатини ҳимоя қилишдан мақсад, улар ўз маблағларидан фойдаланаётган банклар томонидан қандай хавф-хатарли операциялар бажарилаётганлиги тўғрисида тўлиқ маълумотга эга эмаслар.

Бу борада республикада амалга оширилган ишлардан бири 1997 йил март ойидан бошлаб жаҳон андозаларига мос келадиган ва банклар фаолиятини ойдинлаштириш имконини берадиган тижорат банклари ҳисоб-варақлари янги режаси амалга жорий қилингани бўлди. Янги ҳисоб-варақлар режасини жорий қилиниши банклар фаолияти “ошкоралигини” (инглизча “transparent” - шаффофлик, очиқлик, ойдинлик) сармоядорлар, банк мижозлари ва бошқа

<sup>8</sup> Норқобилов С., Дадабоева Х., Жўраев Ў. Халқаро амалиётда банк назорати. Магистрлар учун дарслик / Тошкент Молия институти.–Т.: “ИQTISOD–MOLIYA”, 2007, 180 бет.

манфаатдор фойдаланувчилар учун очиклигини таъминлаш имконини берди.

Банк фаолиятини назорат қилишнинг зарурлиги амалга ошириладиган монетар сиёсатнинг асосини ташкил этиш билан биргаликда республикамизнинг бозор иқтисодиётига ўтишдаги ўзига хос йўли билан ҳам боғлиқдир.

Республикамизда Марказий банк томонидан тижорат банклари фаолиятини назорат қилинишининг асосий мақсади тижорат банкларига бирон бир иқтисодий чора кўриш эмас, балки банк фаолиятида мавжуд бўлган камчиликларни бартараф этиб, банк тизимининг барқарорлигини ошириш натижасида банк омонатчилари ва кредиторларининг манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Шу ўринда Марказий банкнинг тижорат банкларини лицензиялаш борасидаги сиёсатини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Банкларни лицензиялаш ва улар фаолиятини тартибга солиш, яъни банк назорати банк тизимининг барқарорлигини сақлаш, янги молиявий жиҳатдан барқарор бўлган банкларнинг бозорга киритилишини назорат этиш йўллари билан биридир. Банкларни рўйхатга олиш ва лицензиялаш жараёнини такомиллашуви, авваламбор, лицензиялаш андозаларини, яъни банк муассасаларининг молиявий аҳволи, банк раҳбарлари малакаси ва обрўсига қўйиладиган талабларни оширишдан иборатдир.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, республикамизда Марказий банк томонидан тижорат банкларини сонини кўпайишга йўл қўйган МДХ давлатларидан фарқли ўлароқ, банкларнинг сонидан ҳам кўра сифатига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса, кўплаб давлатларда юз берган молиявий инқирозларни республикамиз банк тизимида ўз таъсирини ўтказмаганлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг тижорат банкларини лицензиялаш ва банк назоратини ташкил этишда олиб бораётган сиёсатини тўғрилигини яна бир бор исботлади.

Шуни таъкидлаш лозимки, банклар томонидан ўз капитали етарлилигини таъминланиши, Марказий банк томонидан ўрнатилган иқтисодий меъёрларга риоя этилиши, иқтисодиётнинг реал соҳасига йўналтирилган кредит қўйилмалари ўсишини ва рискнинг оқилона диверсификацияланишини таъминланиши, кредитлар бериш шартларини, шунингдек, банк кредит портфелининг ҳолатини акциядорлар ва омонатчилар манфаатларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда назорат қилиниши банк назоратининг моҳиятини билдиради.

## **1.2. Базель I ва Базель II талабларининг аҳамияти.**

Халқаро молия бозорларида ресурсларнинг янада самарали тақсимланишини таъминлаш йўли билан молия инновациялари, молия бозорларининг очиклиги ҳамда глобализация мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди ва иқтисодий ўсишларига туртки бўлди.

Шунингдек, капитал ҳаракатининг эркинлиги қарздорлар учун янги молиявий манбаларга йўл очилишига ва оқибатда инвестициялар миқдорининг ҳаддан ташқари кўпайиб кетишига ҳамда банк рискени ошишига олиб келди. Бу ўз навбатида, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда банкларни синишига сабабчи бўлди.

70-йиллар бошидан бошлаб миллий ва халқаро даражада кредит ташкилотлари томонидан рискни баҳолашда аниқ қоида ва меъёрлар киритиш йўли билан молиявий барқарорликни ҳимоя қилишга уринишлар қилинган. XX асрнинг 80-йилларига келиб, юқорида айтиб ўтилганидек банк ишининг интернационаллашуви оқибатида банк назорати тизими халқаро миқёсда шакллана бошлади. Мазкур даврда банк назорати ва тартибга солиш масалалари бўйича Базель қўмитаси таркиб топди.

Ушбу қўмита тўғрисида олимларимиз томонидан тайёрланган турли ўқув методик қўлланмаларда маълумотлар берилишига қарамай, Базель қўмитасининг таркибий тузилиши, мақсад ва вазифалари ҳамда тамойиллари таҳлил қилинмаганлигини ҳисобга олиб, Базель қўмитаси тўғрисида тўлиқ маълумот берилиши республикамиз банк тизимида ушбу талаблардан фойдаланиш имкониятларини оширади деб ўйлаймиз.

1974 йил июн ойида Ғарбий Германиянинг «Банкхаус Херштатт» банки хорижий валютадаги операцияларидан сўнг катта зарар кўрди ва банкротликка учради. Шу билан бирга, валюта курсларини тартибга солиб турувчи Бреттон-Вудс тизимининг фаолияти тўхтатилгандан сўнг бир қатор банклар ҳам жуда катта зарарларга дуч келди. Жумладан, АҚШнинг «Франклин Нэшнл» банкининг 1974 йил май ойида хорижий валютадаги операциялардан кўрган зарарлари натижаси оммавий тарзда депозитлар ва омонатларни қайтариб олинишига олиб келди. Бу эса банк фаолиятининг тўхтатилишига сабаб бўлди.

Вужудга келган танглик ҳолатидан чиқиб кетиш мақсадида дунёнинг 10 та ривожланган мамлакатлари, яъни Бельгия, Канада, Франция, Швеция, Италия, Япония, Германия, Буюк Британия, АҚШ, Швейцария марказий банк бошқарувчилари 1974 йил сентябр ойида молия бозорларидаги барқарорликни таъминлаш мақсадида махсус «коммюнике» (келишув) қабул қилдилар. 1974 йил декабр ойида Швейцариянинг Базель шаҳрида бўлиб ўтган «10»лик гуруҳи учрашувида Англия Банкнинг бошқарувчиси Гордон Ричардсон таклифига кўра, бошқарувчилар томонидан банкларни тартибга солиш ва назорат қилиш услубларини такомиллаштириш мақсадида доимий қўмита тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди ва шу тариқа Банк назорати бўйича Базель қўмитаси вужудга келди. Янги, доимий фаолият кўрсатувчи бу қўмитанинг биринчи раиси этиб Англия Банкнинг банк назорати бошқармаси бошлиғи Джордж Бланден тайинланди. Қўмита секретариати Швейцариядаги Марказий банкларнинг ўзаро ҳисоб-китобларини амалга оширувчи халқаро ҳисоб-китоблар банкида жойлаштирилди.

Қўмита тузилган вақтда «10»лик гуруҳи давлатларининг молиявий бозорлардаги операциялари ҳажми барча операциялар ҳажмининг 90 фоизини ташкил этган эди. Асосий иштирокчилар сонининг чекланганлигига («10»лик гуруҳи) қарамай, ҳамкорликнинг кенгайтиши минтақавий гуруҳларни тузиш

орқали таъминланди. Улардан биринчиси 1980 йил октябр ойида ташкил этилган банк назоратининг Оффшор гуруҳи ҳисобланиб, унда ўша пайтдаги барча етакчи Оффшор марказларининг тартибга солиш ва назорат қилиш органлари вакиллари иштирок этди.

Дастлаб ваколатлар доираси чекланганлигига қарамай, кўмита ўз фаолиятини кўп йўналишлар бўйича кенгайтirdи. Бу йўналишлар давлатлараро миллий банк назорати механизмлари тўғрисида маълумотлар алмашиш, халқаро банклар фаолиятини назорат қилиш усуллари самарадорлигини ошириш, капитал етарлилигининг минимал нормаларини татбиқ қилиш шунингдек, назорат органларини қизиқтирган бошқа муаммоларни таҳлил қилишга тегишлидир.

Шу билан биргаликда, кўмита илгари қабул қилинган оптимал стандартлардан воз кечиб, ўз фаолиятини банк назорати соҳасида ҳамда капиталнинг етарлилигига оид минимал нормативлардан фаол фойдаланишга қаратди. Молиявий бозорларнинг динамик ривожланишида кўмита комплекс соҳалараро алоқаларга катта эътибор қаратмоқда, жумладан, қимматли қоғозлар ва суғурта фаолиятларини назорат қилувчи органлар билан шунингдек, бухгалтерия ҳисоби ва халқаро аудит стандартлари каби бошқа соҳалар билан ҳамкорликни кенгайтirmoқда.

1975 йилдан бошлаб кўмита халқаро банк назорати муаммолари бўйича бир қатор ҳужжатларни ишлаб чиқди. Бу соҳада бўлиб ўтган ўзгаришлар қайсидир даражада кўмита сиёсатидаги ўзгаришларни ва уни назоратига ёндашишни акс эттирсада, аммо халқаро банк фаолиятидаги ва молиявий бозорлардаги ўзгаришлар кўмита учун биринчи даражали аҳамият касб этиб келмоқда.

Халқаро банкларнинг чет мамлакатлардаги операциялари устидан банк назоратининг самарали усулларини ишлаб чиқиш бўйича Базель кўмитасининг биринчи тавсиялари 1975 йил сентябр ойида Биринчи Конкордатда баён этилди. Бу ҳужжат асосан маълум бир банкнинг трансмиллий операцияларини назорат қилишни амалга ошириш жараёнида давлатлараро назорат органлари ўртасидаги жавобгарликни тақсимлаш муаммоларига тааллуқлидир. Конкордат назоратнинг тўртта асосий тамойилини белгилади.

1. Чет мамлакатлар банклари томонидан бошқа давлатларда ташкил қилинган банк муассасалари фаолиятини назорат қилиш мақсадида қўшма жавобгарлик ушбу хорижий банк муассасаси очилган давлат ва хорижий банк жойлашган давлат назорат органларига юкланди.

2. Ликвидлилик бўйича назорат хорижий банк муассасаси очилган давлат назорат органларининг вазифаси ҳисобланганлиги сабабли, ликвидлиликни бошқаришда хорижий банклар, одатда маҳаллий нормаларга риоя қилишлари лозим.

3. Хорижий банкларнинг тўловга лаёқатлилигини назорат қилиш асосан ушбу банклар жойлашган давлатнинг назорат органларига юкланди.

4. Амалий ҳамкорлик хорижий банк жойлашган ва унинг муассасаси очилган давлатларнинг назорат қилиш органлари ўртасида маълумот алмашиш ҳисобидан таъминлаши лозим.

Бунинг учун эса, ҳамкорликка тўсиқ бўладиган барча юридик чекловларга, авваламбор, давлатлар банк сири билан борлиқ муаммоларни ечиш лозим эди. Биринчи Конкордат дастлаб чоп этилмасдан, фақат назорат органларига тарқатилди, чунки у фақат миллий назорат органлари билан ўзаро муносабатларга тегишли бўлиб, тижорат банклари фаолиятига боғлиқ эмас деб ҳисобланарди.

1983 йилда Биринчи Конкордат ўрнига қайта кўриб чиқилган Конкордат ишлаб чиқилди. Қайта кўриб чиқилган Конкордат «Банко Амброзиано» холдингининг барбод бўлишидан сўнг, 1982 йилда чоп этилди. «Банко Амброзиано» Люксембургдаги италян банк гуруҳларининг холдинг компанияси ҳисобланар эди. Чунки Люксембург назорат органлари уни банкларга қўшмаганлиги сабабли, у қисман назорат соҳасидан четда қолган эди. Компания барбод бўлганидан сўнг Люксембург ва Италия назорат қилиш органлари ўртасида холдинг компания фаолияти устидан назоратга жавобгарлик бўйича тортишув (мунозара) юзага келди. Шу муносабат билан қайта кўриб чиқилган Конкордатнинг тушунчалар бўлимида халқаро банк гуруҳларининг, шунингдек холдинг компанияларининг ва аралаш фаолиятдаги гуруҳларнинг таркибий хусусиятлари акс эттирилди.

1990 йилда қайта кўриб чиқилган Конкордатга информатсион илова нашр этилди. Унинг асосига Базель қўмитаси ва банк назорати Оффшор гуруҳларининг қўшма ишчи гуруҳи ҳисоботи натижалари киритилди. Ушбу ҳисоботда 1983 йилда қайта кўриб чиқилган Конкордатни амалга жорий қилиш жараёнида вужудга келган муаммолар кўриб чиқилган эди. Илова ўз ичига фаолият олиб боришга руҳсат олиш, бош банк жойлашган ва унинг муассасалари фаолият кўрсатаётган давлатларнинг назорат органлари маълумотларига бўлган талаблари, банк сирини бекор қилиш ва ташқи аудитнинг аҳамияти каби бир қатор махсус қоидаларни олган.

1990 йилда информатсион илова нашр этилгандан сўнг, 1992 йилда Назоратнинг минимал стандартлари тўғрисида такрорий баёнот эълон қилинди. Назорат органларининг халқаро фаолиятини мувофиқлаштириш юзасидан кейинги таҳлил «ВСС!» банкининг барбод бўлиши ва «Банко Национале дель Леворо» банкининг Атлантадаги бўлимида содир бўлган воқеалардан сўнг 1992 йилнинг ёзида амалга оширилди. Шунга асосан, қўмита қуйидаги хулосага келди: қайта кўриб чиқилган Конкордат ва 1990 йил информатсион илова етарли асосланганлигига қарамай, назорат органлари ишлаб чиқилган стандартларни жорий қилишни фаоллаштиришлари лозим. Шунингдек, “10”лик гуруҳининг барча давлатларида назорат органлари томонидан риоя қилиниши лозим бўлган банк назоратининг минимал стандартлари тўпламини белгилаш тавсия қилинди.

Иккинчи ҳисобот 1996 йилда Базель қўмитаси ва банк назоратининг Оффшор гуруҳи билан қўшма ишчи гуруҳи томонидан тайёрланди. Минимал стандартлар эълон қилинганидан сўнг, 4 йил давомида қўмита ушбу стандартларни жорий қилинишида давлатларнинг миллий назорат органлари фаолияти устидан мониторинг ўтказди. Сезиларли тараққиётга қарамасдан, ҳамон бир қатор муаммолар ечилмай қолган эди. Ишчи гуруҳ минимал

стандартларни, шунингдек назорат органларига ўзларининг анъанавий миллий назорат усуллари ёрдамида ушбу стандартларни татбиқ этишда вужудга келган тўсиқларни таҳлил қилиб чиқди.

Текширишлар ўтказиш ва назорат органлари томонидан амалга оширилаётган консолидация назоратини самарали баҳолашда кўриб чиқилиши лозим бўлган бир қатор масалаларга оид амалий тавсиялар алоҳида қизиқиш уйғотди. Минимал стандартларни рисоладагидек амалга оширишни таъминлаш мақсадида ишчи гуруҳ 1986 йилда Стокгольмдаги банк назорати бўйича навбатдаги Халқаро Конференцияда стандартларга риоя қилишни таъминлаш мажбуриятини яна бир бор тасдиқлашни, шунингдек навбатдаги 1989 йил Конференцияси олдидан стандартларга риоя қилишни текшириш лозимлигини тавсия қилди.

Нихоят, 1997 йил апрел ойида консултатив характерга эга бўлган дастлабки ҳужжат тайёрлангандан сўнг, 1997 йил сентябр ойида банк назорати асосий тамойиллари тўлиқ рўйхати эълон қилинди. 1996 йил Базель қўмитаси томонидан консултатив характерга эга бўлган ҳужжатларни нашр этгандан сўнг, бозор рискинини ҳисоб қилиш мақсадида капитал тўғрисидаги Битимга тузатишни кўзда тутадиган навбатдаги ҳужжатни чоп этди. Капитал тўғрисидаги Битим кредит хавфидан юзага келадиган зарарларни банк капитали ҳисобидан ёпишни кўзда тутарди. Шу билан бирга, ушбу хавф хусусан, акциялар, қарз ва бошқа молиявий инструментлар билан бўладиган операциялар бўйича ҳам келадиган зарарлар билан боғлиқлигини кўзда тутарди.

Риск билан банк капиталининг етарлилигини ҳисоблаш ўртасида алоқалар мустаҳкамланиши ҳамда Базель қўмитасининг капитал таркиби бўйича янги талаблари 100 га яқин давлатларда қабул қилиниши Жаҳон банк тизимини мутаносиблиги ва ишончлилигини мустаҳкамлашга, халқаро операцияларни амалга оширувчи банклар ўртасида рақобатнинг тенглигини таъминлашда ҳамда назоратни келишув асосида амалга оширилишига катта ёрдам берди. Молиявий муносабатлар глобализациясининг кучайиши ва улар билан банк рисклилигининг ортиши кредит ташкилотларининг ишончлилигини баҳоловчи янги йўлларни шу билан бирга капитал етарлилиги ва рискларни баҳолашнинг янги услубларини топиш зарурати туғилди. Миллий ва халқаро даражадаги банк назоратининг 25 та фундаментал асосий тамойиллари 1997 йилда чоп этилган эди, сўнгги бор 2006-йилда чоп этилди. Бу тамойиллар Базель қўмитаси томонидан бозор иқтисодиёти шаклланаётган 15 та давлатнинг банкларни назорат қилиш органлари билан биргаликда ишлаб чиқилди. Тахмин қилинардики, жаҳоннинг барча давлатларида ҳукуматининг назорат ва бошқа органлари банкларни назорат қилишда Базель қўмитасининг асосий тамойилларига таянади.

Асосий тамойиллар Базель қўмитаси томонидан тайёрланган 3 жилдли ҳужжатлар тўплами билан бирга чоп этилди. Тўпланда Базель қўмитаси томонидан 1975 йилдан буён ишлаб чиқилган назорат сиёсатида оид масалалар бўйича мувофиқлашган асосий ҳужжатлар ифода этилган. Базель қўмитасининг

асосий тамойиллари 1997 йил сентябр ойи охирида Гонконгдаги Халқаро Валюта Фонди ва Жаҳон банки йиғилиши арафасида нашр этилган эди.

Асосий тамойилларнинг тайёргарлиги Базель кўмитаси ҳамда бир қатор “10”лик гуруҳига кирмайдиган, жумладан Хитой, Чехия, Гонконг, Мексика, Россия, Чили ва Таиланд давлатлари назорат органлари билан узвий ҳамкорликда амалга оширилди. Ушбу ишда 8 та давлат, жумладан, Бразилия, Венгрия, Индонезия, Корея, Малайзия, Польша ва Сингапур, бевосита иштирок этдилар. Асосий тамойилларда лицензиялаш ва банклар фаолиятига жорий назоратга нисбатан талабларнинг минимал тўплами белгиланган.

Базель кўмитаси учун котибият вазифасини халқаро ташкилот ҳисобланган, иқтисодий ва монетар изланишлар маркази бўлган Халқаро ҳисоб-китоб банки (ХХКБ) бажаради. «Марказий банклар учун банк» бўлган Халқаро ҳисоб-китоб банки марказий банклар ҳамда жаҳон молия ҳамжамияти йўналишида қарорлар қабул қилиш жараёнида кўмаклашади. Ҳозирги кунга келиб, 120 га яқин марказий банклар ва халқаро молия ташкилотлари ушбу банкда ўз депозитларига эгадир. Халқаро ҳисоб-китоб банки ишончилиги юқори рейтингга эга бўлган банкларда, шунингдек, турли мамлакатларнинг қисқа муддатли давлат қимматли қоғозларига маблағларни жойлаштиради.

Базель кўмитасининг банк назоратига оид асосий вазифаси банк назорати ва тартибга солишнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш бўлиб ҳисобланади. Келишувга аъзо бўлган давлатлар кўмига уларнинг банк муассасалари учун мажбурий бўлган кўрсатмаларни ишлаб чиқишини юқлайдилар. Ушбу кўрсатмалар тижорат банклари фаолиятини турли жабҳаларини тартибга солиб туради. Шунингдек ушбу кўрсатмалар аъзо бўлган давлатларда қоида бўйича банк қонунчилигининг бир қисми бўлиб қолади.

Базель кўмитаси фаолиятининг асосий йўналиши банк тизими учун ўз капиталига сифат ва миқдор жиҳатдан етарли талабларни ўрнатиш йўли билан мустаҳкам фаолиятни таъминлашдан иборатдир. Бу ўринда асосий ҳужжат бўлиб, 1988 йилда марказий банк вакиллари томонидан ишлаб чиқилган ва 1993 йилда амалиётга жорий қилинган Капитал ва риск бўйича Базель I келишуви ҳисобланиб, унда капиталнинг етарлилиги банк ташкилоти томонидан олаётган риск даражасига боғлиқлиги кўрсатилган.

Бизга маълумки, банк фаолиятини назорат қилишда капитални етарлилиги асосий фактор ҳисобланади. Бошланғич маблағ, мижозлар ва кредиторлар ишончини ошириш ҳамда банкротликдан ҳимоялашиш амалларини бажариш банк операциясини амалга оширишда муҳим омил ҳисобланади. Банк капитали унинг фаолиятини тартибга солувчи бўлиб ҳисобланиб, у орқали давлат назорат ташкилотлари банкни молиявий номутаносиблигини ва риск даражасини ҳаддан ташқари кўпайиб кетишини олдини олиш мақсадида иқтисодий меъёрларни белгилашда фойдаланилади.

Турли давлатлар томонидан яқка тарзда ўрнатилган банк капиталининг етарлилиги меъёри халқаро молия тизимини мустаҳкамлигини ва улар ўртасида ҳаққоний рақобатни таъминламаяпти. 1988 йилда банк капиталини

тартибга солувчи талабларни яқинлаштириш мақсадида Банк назорати бўйича Базель кўмитаси «Капитални ўлчаш усуллари ва андозаларини халқаро яқинлаштириш» (Базель келишуви) борасидаги ҳужжатни тасдиқлаб, унда капитал етарлилиги меъёрини ҳисоблаш услубини белгилади.

Капитал етарлилигини аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган мазкур услуб капитал суммаси билан банк актив операцияларининг рисклилиги ўртасида ўрнатилган боғлиқликни мақсадлилигига асосланади. Ушбу боғлиқлик ўз капиталини рискка тортилган активларнинг жами миқдорида ёки потенциал кредитлар, инвестициялар ҳамда бошқа қўйилмалар бўйича йўқотишларнинг жами миқдори нисбати билан аниқланади.

Мазкур услубда капитал икки гуруҳга бўлинади. Биринчи даражали капитал тўлиқ тўпланган оддий акциялар ва дивидендлар, йиғилмасдан тўланадиган имтиёзли акциялардан иборат бўлган акциядорлик капитали, очик (эълон қилинадиган) захиралар, кўшимча тўланган капитал, тақсимланмаган фойда, кўзда тутилмаган йўқотишларга қарши умумий захиралар ва аниқ бир давлат қонунчилигининг ўзига хослиги билан банк томонидан тузиладиган бошқа захиралардан ташкил топади.

Шунингдек, келишувда кўшимча капитални, яъни иккинчи даражали капитални шакллантиришнинг бошқа услублари кўрсатилган бўлиб, унинг таркибига капиталнинг етарлилиги даражаси ўзгарган тақдирда ҳисобга олиннадиган турли шаклдаги захиралар ва аралаш молия инструментлари киради. Кўшимча капитални компонентларидан бири бу активларни балансида кўрсатилган бошланғич қийматини (бино, қимматли қоғозлар ва бошқалар) жорий баҳода қайта ҳисоблашдан келиб чиққан банк активларни қайта баҳолаш захираси ҳисобланади.

Иккинчи даражали капиталнинг навбатдаги компоненти бу ссудалар бўйича йўқотишларга қарши умумий захирадир. У ссуда портфели бўйича кўзда тутилмаган йўқотишларни қоплашга қаратилган бўлсагина амалда қўлланилади. Агарда мазкур захира аниқланган сифатсиз ссудалар бўйича йўқотишларни қоплашга қаратилган бўлса, у фавқулоддаги йўқотишларни қоплаш учун эркин ишлатила олинмайди ва шунга мувофиқ у капитални ҳисоблашда ҳисобга олинмайди.

Иккинчи даражали капитал таркибига акция ва қарз мажбуриятини ўз ичига олган (дивидендлар, йиғилиб бориладиган имтиёзли акциялар, акцияларга конвертация қилиб бериладиган облигациялар) қимматли қоғозларнинг айрим турлари кириши мумкин. Охириги йилларда ғарбда банклар томонидан чиқариладиган мажбуриятларнинг субординар тури машҳур бўлди. Субординар мажбуриятлар бу қимматли қоғозларнинг асосий тури бўлиб, унинг махсус таъминоти бўлмасдан, банк тугатилган ҳоллардагина кредиторларнинг талаблари қондирилгандан сўнг қайтарилади. Субординар мажбуриятларни капитал таркибига киритиш учун уларнинг бошланғич қайтариш муддати камида беш йил бўлиши, шунингдек ҳисобга олиннадиган суммаси умумий капиталнинг 50% дан ошмаслиги лозим. Бу иқтисодий меъёрлар капиталнинг етарлилиги коэффицентлари билан бирга



Жаҳон банки маслаҳатчилари билан ишлаб чиқилиб, 1998 йилда банк назорати амалиётига жорий қилинганди.

Базель қўмитаси бозор иқтисодиёти шароитида кўзда тутилмаган рискларни олдини олиш учун 1997 йилда амалиётга III-даражали капитални киритди. III даражали капитал таркибига қисқа муддатли субординар қарз (максимал муддати 2 йилдан ошмаслиги керак) киритилган бўлиб, у I даражали капиталнинг 250 % дан ошиб кетмаслиги керак.

Халқаро банк назорати талабларини, яъни меъёрларини ўрнатишда маҳаллий шароит макроиқтисодий ҳолатини ҳисобга олиш лозим.

Халқаро Базель қўмитаси томонидан барча давлатлардаги банкларга нисбатан белгиланган, яъни иккинчи даражали капиталнинг ҳажми биринчи даражали капиталдан ошиб кетмаслиги тўғрисидаги талаби бугунги кунда бизнинг республикамизда қўлланилиши мақсадга мувофиқ эмас. Чунки ҳозирги даврда ривожланган давлатларда кенг қўлланилаётган субординар қарзлар ва дериватив молиявий инструментлар миллий банк амалиётимизга кириб келгани йўқ. Шу билан бирга уларни амалиётга жорий этиш бўйича ҳам ҳуқуқий норматив база яратилмаган.

Юқорида айтиб ўтилган Базель қўмитасининг келишувига кўра баланс ҳамда балансдан ташқари моддаларнинг ҳар бирига риск даражасини белгилаб, уларнинг рисклилиги ўхшашлиги бўйича гуруҳларга ажратади. Риск коэффицентлари тўртга бўлинган: 0, 20, 50 ва 100 %.

Базель қўмитасининг келишувига мувофиқ халқаро фаолиятни амалга оширувчи банклар учун активлари рискка тортилган биринчи даражали капиталнинг минимал миқдори 4 % бўлиши ўрнатилган бўлиб, биринчи ва иккинчи даражали капиталлардан ташкил топган жами капиталнинг риска тортилган активларга нисбатан етарлилиги 8 % бўлиши белгиланган. Капитал етарли бўлмаган тақдирда банк уч усул орқали меъёрий талабларга мослаштирилиши мумкин: капитални ошириш орқали, активларни қисқартириш орқали, рисклилиги юқори бўлган қўйилмалар миқдорини қисқартириш орқали активлар таркибини ўзгартирса бўлади.

Риск билан банк капиталининг етарлилигини ҳисоблаш ўртасида алоқалар мустаҳкамланиши ҳамда Базель қўмитасининг капитал таркиби бўйича янги талаблари 100 га яқин давлатларда қабул қилиниши жаҳон банк тизимини мутаносиблиги ва ишончлилигини мустаҳкамлашга, халқаро операцияларни амалга оширувчи банклар ўртасида рақобат тенглигини таъминлашда ҳамда назоратни келишув асосида амалга оширилишига катта ёрдам берди.

Банк назоратига капиталнинг етарлилиги меъёри орқали кредит ташкилотларини ишончлилигини аниқлаш амалиётини татбиқ этиш жаҳон банк тизимида маълум бир натижаларни берди: ўтган ўн йил ичида ривожланган давлатлар кредит ташкилотларининг капитал етарлилиги ўртача кўрсаткичи 9,3 дан 11,2% га ошди. Молиявий муносабатлар глобализациясининг кучайиши ва улар билан банк рисклилигининг ортиши кредит ташкилотларининг ишончлилигини баҳоловчи янги йўللарни, шу билан бирга капитал етарлилиги ва рискларни баҳолашнинг янги услубларни

топиш зарурати туғилди.

Базель кўмитаси жаҳон тажрибасини умумлаштирган ҳолда 1999 йилнинг бошларида банк капиталининг етарлилиги тўғрисидаги низом масалаларига бағишланган мулоқотни ташкил қилади. Мулоқот чоғида охириги 10 йил ичида бозор амалиётини жадал ривожланиши шароитида ҳамда турли янгиликларни пайдо бўлиши билан молия дунёсида ҳам ўзгаришлар вужудга келиб, амалдаги услубда ҳисобланган банк капитали етарлилиги коэффиценти ҳар доим ҳам унинг молиявий ҳолатини ишончли кўрсаткичи бўла олмаслиги маълум бўлди.

Шунингдек, мазкур мулоқотда шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишдики, амалдаги низомда айрим банк операцияларининг турлари бўйича рискни камайтириш усуллари қўллашни рағбатлантириш таъминланмаган. Масалан, гаров таъминоти капитални етарлиликка қўйилган талабни минимал камайишига олиб келади холос. Бошқа ҳолатларда амалдаги меъёрлар кредит рисклилигини камайтириш йўлини излашга имкон бермайди.

Кўп тарафли ўтказилган мулоқотлар натижасидан сўнг Базель кўмитаси 1999 йил июн ойида капитални етарлилигини таъминлаш муаммосига янгича ёндашиш ҳамда банклар томонидан меъёрларни бузмаслиги устидан назоратни яхшилаш масалаларига бағишланган маърузани эълон қилди. Янги схема уч базавий ва уни тўлдириб турувчи компонентларга асосланади: капитал етарлиликка минимал талаб, назорат жараёнлари ҳамда бозор инструментларидан самарали фойдаланиш.

Мазкур компонентларни биргаликда қўллаш орқали кредит ташкилотлари томонидан банк капитал базасини унинг рисклилиги ва стратегиясига мувофиқлаштиришни таъминлаш орқали бошқарувни яхшилашга олиб келади. Ушбу компонентларни моҳиятан алоҳида ўрганиб чиқамиз.

*Капитал етарлиликка минимал талаблар.* 1988 йил келишувнинг асосий элементлари, яъни регулятив капитални аниқлаш ҳамда капитални рискка тортилган активларга нисбатининг энг кам миқдори янги ҳужжатларда ўзгаришсиз қолди. Янги талаблар асосан рискка тортилган активларни ҳисоблашга қаратилган рискни баҳолашни ўз ичига олди.

Базель кўмитаси ҳисобга олинандиган рисклар таркибини кенгайтиришни таклиф қилди. Учта йирик тоифа ажратилди: кредит, бозор ва бошқа рискларга кирган биринчи навбатда банк балансининг ҳисобварақлари бўйича операцион ва фоиз рискларини, шунингдек, ликвидликни, обрў-эътиборни ва бошқаларни йўқотиш рисклилиги ўз ичига олади. Капитал етарлиликка энг кам бўлган талаб ўз ичига кредит ва операцион рискларни баҳолашни олиб, бунда бозор рисклилигини баҳолашга талаблар ўзгармайди. Фоиз рисклилигини баҳолаш мураккаб моделни қўллашни талаб қилганлиги муносабати билан Базель кўмитаси уни иккинчи компонентга киритишни мақсадга мувофиқ деб топган.

Кредит ва операцион рискларни баҳолашда банклар томонидан қуйидагилардан фойдаланиш кўзда тутилган: ички рейтингнинг андозавий, база усуллари; ички рейтингнинг мукамал усули.

Активларнинг турли тоифалари билан боғлиқ рискларни баҳолаш аниқлигини ошириш учун банкларга ташқи кредит рейтингларидан фойдаланиш имконини, яъни молия инструментларини инвестицион жиҳатдан жалб қилишни баҳолаш билан малакали шуғулланадиган ихтисослашган молия агентлиги томонидан, шунингдек, экспорт операцияларни кафолатлаш билан шуғулланадиган суғурта компанияларга бериш масаласи кўтарилган эди. Мазкур соҳада Standart and Poor's, Moody's Service, Fitch IBCA машхур фирмалардан ҳисобланади.

Ушбу келишувга мувофиқ Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига (ИХРТ) аъзо бўлган мамлакатлар қарздорлари ва бу мамлакатлардан ташқари бўлган қарздорларга бўлишни тугатиш кўзда тутилган. Амалиёт шуни кўрсатдики, қарздорларни бундай бўлиш уларнинг сифатига қўйиладиган талабларни тўлиқ ақс эттирмайди. Янги усул соҳасида қарздор (актив)лар бўйича рискнинг асосий тоифалари кўрсатилган: давлат бошқарув ва ҳокимият ташкилотлари (ҳукумат, мамлакат Марказий банки), тижорат банклари, аниқ соҳанинг номолиявий ташкилотлари, жисмоний шахслар, лойиҳани молиялаш ҳамда капиталда қатнашиш.

Янги тизим бўйича муҳим ўринни ихтисослаштирилган рейтинг агентликлари ўйнаганлиги сабабли уларни танлаб олиш мезонлари (объективлик, аниқ, услублардан фойдаланиш, рейтинг агентликларига бўлган ишонч) олдиндан келишиб олинади.

Юқорида айтиб ўтилган капитални аниқлаш бўйича янги талаб ўзгаришсиз қолди. Капитални етарлилиги тўғрисидаги 1988 йилдаги Низомга мувофиқ қарздорларга бериладиган кредитлар унинг молиявий ҳолатидан қатъий назар 8 фоиз миқдорида ўз маблағлари билан таъминланиши лозим. Берилаётган кредитлар таъминотига бундай ўрнатилган талаб иқтисодий нуқтаи назардан кўп банклар капиталини нораціонал тақсимланишига олиб келди. Кредит рисклилиги кичик бўлган тижорат банклари балансининг актив портфели иқтисодий нуқтаи назардан ўз капиталини юқори миқдорда таъминот сифатида ажратиши лозим бўлади. Ва аксинча кредит рисклилиги даражаси юқори бўлган банкларда кўзда тутилмаган вазиятлар юз берган ҳолларда ўз капитали етишмаслиги мумкин.

Банкнинг ўз капитали хавф ва зарарлар вужудга келганда банкни фаолият кўрсатишини таъминлайди. Шунинг учун капиталнинг ҳимоя аломатлари унинг миқдори билан эмас, балки уни активларга: (бирламчи захира, кредитлар, қимматли қоғозлар, кўчмас мулк ва бошқалар) жойлаштириш таркиби даражаси билан белгиланади. Қабул қилинган келишувга мувофиқ капитални етарлилиги хўжалик субъектлари фаолиятига таъсир қилувчи риск характери билан белгиланади.

2005 йилдан бошлаб қарздорнинг кредит қобиляти ҳар бир миждозга бериладиган банкнинг ички рейтинг тизими билан баҳоланадиган бўлади. Бунда, тўловга қобилятлилик рейтинги қанча паст бўлса, ўз капитали миқдорига бўлган талаб шунча юқори бўлади. Мустақил ишлаб чиқариш рейтинг тизимидан фойдаланиш тижорат банклари учун кредитлашга ҳар томонлама қарздор билан боғлиқ риск даражаси ва турига қараб ёндашиш

имконини беради. Шу билан биргаликда замонавий дунёда рисклар доим диверсификация қилиниб бориши ҳамда банк олдида мазкур рискларни баҳолаш услубларини ҳар доим яхшилаб бориш вазифаси туради. Ушбу масалани ҳал қилиш учун банкларнинг ўзларини ҳамда назорат органларини, маслаҳат берувчи фирмаларни, рейтинг агентликларининг ҳаракатларини мувофиқлаштириш лозим бўлади.

Мавзунинг моҳиятидан келиб чиқиб Базель кўмитасининг иқтисодий меъёрларни бажарилишини назорат органлари томонидан назорат қилиш юзасидан билдирган таклифларига қисқага тўхталиб ўтсак. Банклар капиталини етарлилигига қўйиладиган талабни янгилашнинг муҳим ўрнини Базель кўмитаси назорат фаолиятини мукаммалаштиришга қаратган. Назорат органларининг мақсади банкнинг капитал базаси ҳолатини назорат қилиш бўлса, уларнинг стратегияси – банк капиталини банкнинг риск умумий тузилмасига мувофиқлигини таъминлашдир. Шу сабабли назорат органлари банкларнинг ўз маблағлари капитални етарлилиги меъёрининг энг кам талабларини бажаришини талаб қилиши ҳуқуқига эга бўлиши, шунингдек, капитал базасини баҳолаш жараёни ва рейтинги ишлаб чиқилган бўлиши лозим.

Базель кўмитаси капитал етарлилиги даражасини ҳамда капитални қўшимча миқдорлари (капиталнинг иккинчи даражаси)ни баҳолашда банк ва назорат органлари иқтисодий жараёнларни боғлиқлиги ҳамда умумий макроиқтисодий ҳолатни эътиборга олишни таклиф қилган.

Банк ҳолатига ёмон таъсир кўрсатиши мумкин бўлган жараёнларни олдини олиш мақсадида истиқболли тестни ўтказиш лозим бўлади. Шунингдек, Базель кўмитаси банк томонидан қабул қилинган стратегия, унинг капитали ва тўлов қобилиятини сақлаш имконини бермаса, назорат органи унинг фаолиятига аралашиш ҳуқуқи берилиши борасидаги таклифи билан чиққан.

Актив ва пассивлар сезгирлиги асосида ётувчи кредит-депозит операциялари бўйича фоиз рисклилиги банкнинг ликвидлиги ва капиталга жиддий хавф бўлиб ҳисобланади. Банк узоқ ва қисқа муддатли фоиз даражалари фарқи ўртасидаги қўшимча даромад олишга интилиши билан кутилмаганда пул бозоридаги баҳоларни ўзгаришига боғлиқ бўлиб қолади. Маблағларни жойлаштириш ва жалб қилиш муддатлари ўртасида фарқ бўлмаган тақдирда ҳам йўқотишлардан тўлиқ суғурта қилиб бўлмайди, чунки қўйилмалар ва қарзлар бўйича фоиз ставкалар орасидаги фарқ бир-бири билан боғланмаган бўлиши мумкин.

Банк фаолиятида турли табиатдаги фоиз рисклилигини пайдо бўлишини ҳисобга олган ҳолда, Базель кўмитаси мазкур турдаги рискни иккинчи компонент доирасида ҳисобга олишни маслаҳат берган. Банклар фоиз рисклилиги даражаси миқдорига мос равишда капитални етарли даражасига эга бўлмаса, унда улар банк фаолиятига аралашиши орқали ёки рискни камайтиришни ёки ўз капитали миқдорини оширишни талаб қилишлари мумкин бўлади. Кўмита шуни тушуниб етдики, бундай банкларни топиш учун миллий миқёсда маълум даражада эркин фаолият кўрсатиш ҳамда ссуда-

депозит операциялари бўйича фоиз рискни ҳисоблаш услубини ишлаб чиқиш зарур бўлади.

Шундай қилиб ривожланган хориж давлатларида банк назорати тизимини шаклланишида асосий эътибор Марказий банклар ва тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган операциялар натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган йўқотишларнинг олдини олишга, кредиторлар ва омонатчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг замонавий механизмларини яратишга қаратилган. Катта йўқотишлар билан боғлиқ банк рискларини аниқлашда халқаро келишув Базель кўмитаси талаблари катта аҳамиятга эгадир.

2006 йилнинг охирига келиб Базель кўмитаси Базель II келишувини амалиётга тадбиқ этди. Ушбу келишувда ҳам капитал етарлилигининг минимал миқдори 8% лиги сақланиб қолади. Янги келишув учта таркибий қисмдан иборат бўлиб, улар:

1. капиталнинг минимал миқдорига талаб;
2. капитал етарлилигининг назорат органлари томонидан таҳлил этиш;
3. маълумотларни кенг оммага эълон қилиш.

Ушбу келишувда рисклар икки турга, яъни кредит ва операцион риска бўлинади. Базель II келушувининг асосий қўлланиш сфераси - бу консолидациялашган банклар, банк холдинглари, банк гуруҳлари бўлиб, улар халқаро банк фаолияти билан шуғулланишади.

Базель кўмитаси томонидан 2006 йилда қабул қилинган банк назоратини назорат қилиш бўйича 25 тамойилининг асосий мақсади самарали банк назоратини ташкил қилишдир. Ушбу тамойиллар 7 гуруҳга бўлинган.

✚ Об'ективлик, мустақиллик, ваколатлилик, шаффофлик ва ҳамкорлик (тамойил 1);

✚ лицезиялаш ва тузулма (тамойил 2-5);

✚ прудентал назорат ва тартибга солиш (тамойил 6-18);

✚ банк назоратининг усуллари (тамойил 19-21);

✚ ҳисоботлар ва уларни ошкор этиш (тамойил 22);

✚ назоратчиларнинг ахлоқи ва уларнинг ваколатлари (тамойил 23);

✚ консолидациялашган банклар ва хорижда фаолият юритувчи банклар назорати (тамойил 24-25).

Ушбу тамойилларда банк назоратини ташкил этиш асослари ва капитал етарлилиги, йирик кредитлар, ликвидлилик rischi, бозор rischi, операцион риск, кредит rischi, мамлакат rischi, фоиз rischi, рискларни бошқариш rischi, ички назорат ва ички аудит каби бўлимлари бор.

Фан-технологияларнинг ривожланиб бориши, интернетнинг оммалашиб бориши **e-banking** (Интернет-банкнинг)нинг ҳам ривожланиб боришига замин яратмоқда. Бу ўз навбатида Базель кўмитаси олдида Интернет банкинг рискларини олдини олиш имконини берувчи тамойиллар ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқарди. Шу мақсадда биринчи марта 2000-йил октябр ойида интернет банкинг рискларини олдини олиш, улар устидан назорат қилиш ва уларнинг рискларини бошқариш бўйича тамойилларни ишлаб чиқди. Иккинчи марта эса 2003 йил июль ойида электрон банкинг учун рискларни бошқариш тамойиллари ишлаб чиқарилди. Электрон банкинг ривожланиб

бориши халқаро миқёсда назоратни ташкил қилиш ва мамлакатлар банк назоратчилари ўртасида ҳамкорликни таъминлаш заруриятини келтириб чиқармоқда. Банк назорати органлари ўртасида ҳамкорликнинг таъминланиши халқаро миқёсдаги қонунчиликлар қабул қилиниш эҳтиёжини келтириб чиқармайди. Электрон банкнинг ривожланиб боришининг икки сабаби бор: биринчидан, банклар томонидан таклиф қилинаётган электрон банк хизматлари унинг мижозлари томонидан кенг фойдаланилмоқда, шунингдек, банк мижозлари томонидан Интернет хизматларидан фойдаланувчилар сони ортиб бормоқда; иккинчидан, янги технологияларнинг ривожланиб бориши банкларга инсон меҳнатидан фойдаланмаган ҳолда турли хилдаги банк хизматларни таклиф этиш имконини бермоқда ва банк мижозларининг ортиб боришига хизмат қилмоқда. Лекин, электрон банклар фаолиятида учрайдиган рисклар бу янги пайдо бўлган рисклар эмас, булар биз билган ликвидлилик rischi, мамлакат rischi, операцион риск, стратегик риск ва бошқалардир.

### **1.3. Базель III талаблари ва уни жорий этиш шартлари.**

Бутун дунёга машҳур халқаро БАЗЕЛЬ қўмитаси 1975 йилдан буён ўз фаолиятини бошлаган. Ушбу қўмита Халқаро ҳисоб китоблар банки қошида ташкил этилган ҳамда 27 та дунёнинг етакчи давлатлари марказий банклари билан ҳамкорликда умумжаҳон банк тизими долзарб масалалари юзасидан турли хил зарур тавсиялар ҳамда талабларни ишлаб чиқади.

2010 йил 12 сентябрдан кучга кирган G20 давлатлари Молия вазирлари ҳамда Марказий банклари раислари томонидан маъқулланган янги ҳужжат асосан хусусий капитал етарлилиги масаласига алоҳида урғу беришга қаратилган. Ушбу янги келишув олдинги Базель 2 келишувини рад этмайди, балки уни тўлдиради ҳамда кучайтиради. Барча талаблар босқичма босқич 2013 йил 1 январдан бошлаб бир неча йил (5-10 йил) амалга оширилиши лозим.

Базель қўмитасининг «Самарали банк назоратини таъминловчи тамойиллари» 25 та асосий тамойилдан иборат бўлиб, уларнинг мазмун-моҳият жиҳатидан қуйидагилардан иборат:

1-тамойил самарали банк назорати учун зарурий шартлардан иборат бўлиб, бунда:

- банк назоратини амалга оширувчи орган аниқ белгиланган вазифа ва мажбуриятларга, оператив мустақилликка ва тегишли моддий базага эга бўлиши;

- банк назорати учун етарли ҳуқуқий асос зарурлиги;

- назорат этувчи органлар ўртасида ахборот алмашинуви механизмнинг ва бундай ахборотларнинг махфийлигини таъминлаш лозимлиги қайд этилган.

2-5 тамойиллар банкларни лицензиялаш ва талаблар таркибини ўз ичига олиб, мазкур тамойилларда:

- банклар сингари лицензиялаш ва назорат қилиш талаб этиладиган ташкилотларга руҳсат этилган фаолият турларини, ташкилотларнинг номида «банк» сўзидан фойдаланишнинг қонунийлиги аниқ белгилаш;

- лицензия берувчи орган маълум ўзига хос талабларларни ўрнатиш

ҳуқуқига эга бўлиши ва бундай талабларга мос келмайдиган муассасалардан лицензиялаш учун аризаларни қабул қилмаслиги;

- лицензиялаш жараёни ҳеч бўлмаганда, банкда эгаллик муносабатлари таркибини, директорлар ва бош менежерларнинг касбга мувофиқлиги тўғрисидаги маълумотларни, банкнинг оператив молиявий режаси, ички назорат таркиби, банкнинг молиявий ҳолатини, жумладан банкнинг ўз маблағлари ҳолатини баҳолашни ўз ичига олиши;

- банк назорати органи мавжуд банклардаги сезиларли таъсис улушини ёки назорат пакетини учинчи шахсларга ўтказиш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқиш ва зарур ҳолларда уни рад этиш ҳуқуқига эга бўлиши;

- банк назорати органи банк томонидан амалга оширилган харидларни ёки инвестицияларни қайта баҳолаш учун ўзига хос талаблар ўрнатиш ваколатига эга бўлиши ҳамда шўъба ва тобе таркибий тузилмалар банк учун юқори таваккалчиликни юзага келтирмаслигига ва самарали банк назоратини амалга ошириш учун тўсқинлик қилмаслигига ишонч ҳосил қилиши кераклиги белгиланган.

6-15 тамойиллар мажбурий талаблар ва тартибга солиш жарёнлари билан боғлиқ бўлиб, уларда:

- банк назорати органи барча банклар учун банк ўз зиммасига оладиган таваккалчилик даражасига мос келадиган капитал етарлилиги бўйича талабларини ўрнатиши, эҳтимолий йўқотишларни қоплай олиш имкониятларини инобатга олган ҳолда, капитал таркибини аниқлаб бериши;

- банкнинг сиёсати, оператив фаолияти ҳамда улар томонидан кредитлар бериш ва инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ тартиб қоидаларни, шунингдек кредит ва инвестиция портфелларининг жорий бошқарувини холис текшириш ҳар қандай назорат тизимининг ажралмас қисми эканлиги;

- банк амалиётга, активлар сифатини баҳолаш методикасига мос келадиган, шунингдек кредитлар бўйича йўқотишларни заҳиралар билан таъминлаш бўйича самарали сиёсат ишлаб чиқиши ва шу асосда фаолият кўрсатиши лозимлиги;

- банкда раҳбариятга ўзаро дахлдор кредиторлар ва қарздорларни аниқлаш имкониятини берувчи етарли ахборот тизимининг мавжуд бўлиши, банк назорати органи эса қарз маблағларини бир қарздор ёки ўзаро дахлдор бўлган қарздорлар гуруҳи ўртасида рухсат этилган тақсимланиш чегарасини аниқлаб бериши;

- банкка дахлдор шахсларни кредитлашда суиистеъмолликка йўл қўйилиши ҳолатларини бартараф этиш мақсадида банк назорати органи банклардан кредитларни ҳамма учун бир хил шартлар асосида берилишини талаб қилиши ва уни самарали назорат қилиб бориши, шунингдек назорат қилиш ва таваккалчиликни камайтириш мақсадида зарурий чораларни кўриши;

- банкда маблағларни бир мамлакатдан бошқасига ўтказишда, халқаро кредитлаш ва халқаро инвестицион фаолиятда юзага келадиган мамлакатлар бўйича таваккалчиликни кузатиш ва назорат қилишни белгилаб берувчи сиёсат ва методиканинг ишлаб чиқилганлиги;

- банкда бозор нархлари ва котировкаларининг тебраниши билан боғлиқ

таваккалчиликни аниқ баҳолаш, кузатиш ва назорат қилиш тизимининг мавжуд бўлиши;

- банкда мавжуд таваккалчилик аниқлаш, ўлчаш, мониторинг ўтказиш ва назорат қилиш ва иложи борича улар бўйича йўқотишларни қопланишини таъминлаш имкониятини берувчи, банк томонидан йўл қўйилган барча таваккалчиликларни бошқаришни қамраб олувчи тизимнинг фаолият кўрсатиши;

- банк назорати органи банкда банкнинг амалга ошираётган операциялари ҳажми ва тавсифига мувофиқ ички назорат тизимининг фаолият кўрсатишини талаб қилиши, бу тизим – банкни бошқариш, захираларни тўлдириш, актив ва пассиялар бўйича молиявий ҳисоботларни тузиш, активларни сақланишини кузатиш билан боғлиқ бўлган, мустақил ички ва ташқи аудитга тегишли функцияларнинг амалга ошириш бўйича ваколатлар ва мажбуриятларни аниқлаб бериши;

- банк назорати органи банклардан молия тизимида этика ва малака стандартларини ошириш ҳамда банкдан билиб туриб ёки билмасдан криминал ҳолатларда фойдаланишни бартараф этиш бўйича ишлаб чиқилган, сиёсат, амалиёт ва иш усулларини ишлаб чиқишни талаб қилиши лозимлиги алоҳида қайд этилган.

16-20 тамойилларда банклар фаолиятини тартибга солишнинг жорий услуби ўз аксини топган бўлиб, уларда:

- самарали банк назорати тизими банк фаолияти устидан ташқи кузатувни амалга ошириш билан бирга банкларни текшириш ва ташқи аудит текширувидан ўтказишни ўз ичига олиши;

- банк назорати органи банк раҳбарлари билан доимий алоқани ушлаб туриши ва мазкур молиявий институтлар томонидан амалга оширилаётган операцияларнинг моҳиятини чуқур тушуниши;

- банк назорати органи умумий характердаги, шунингдек алоҳида масалалар бўйича банклар томонидан тақдим этиладиган мажбурий ҳисоботлар ва статистик ахборотларни йиғиш, текшириш ва таҳлил қилиш воситаларига эга бўлиши;

- банк назорати органи жойига чиқиб текшириш ёки ташқи аудит ўтказиш орқали олинган ахборотларни мустақил текшириш имкониятига эга бўлиши;

- назорат органларининг бирлашган ҳолда банклар гуруҳига нисбатан назорат функцияларини амалга ошириш имкониятига эга бўлиши банк назоратининг ажралмас қисми ҳисобланиши кўрсатилган.

21-тамойил ахборотларни тақдим этишга доир талаблардан иборат бўлиб, унга кўра банк назорати органи, банкнинг молиявий ҳолати ва унинг даромадлиги тўғрисида ишончли маълумотга эга бўлиш мақсадида, банкда ўрнатилган тартиб-қоидаларга ва методикага мувофиқ бухгалтерия ҳисоби юритилаётганлигини текшириш имкониятига эга бўлиши лозим.

22-тамойилда эса назорат органининг ваколатлари, жумладан банк назорати органи банклар томонидан мажбурий талабларининг бажарилмаслиги ҳолатлари қайд этилган, яъни банк фаолиятида тартиб-қоиданинг бузилишига йўл қўйилганда ёки бошқа ҳар қандай йўл билан омонатчилар манфаатларига



хавф юзага келган тақдирда, вақти-вақти билан тўғрилашлар киритиш учун етарли воситаларга эга бўлиши ва зарур ҳолларда банк фаолиятини амалга ошириш ҳукуқини берувчи лицензияни бекор қилиши ёки тегишли идораларга тавсия бериши кераклиги қайд этилган.

23-25-тамойиллар халқаро банк операциялари тўғрисида бўлиб, ушбу тамайилларда:

- банк назорати органи халқаро банк операцияларини амалга оширадиган банк муассасалари устидан мониторинг олиб бориш ва бундай банк муассасалари томонидан, ва биринчи навбатда, уларнинг хориждаги филиаллари, қўшма корхоналари ва шўъба банклари томонидан бошқа давлатларда ўтказиладиган барча турдаги операцияларга нисбатан мажбурий нормаларни қўллаш орқали кенг миқёсда назоратни амалга ошириши;

- кенг миқёсдаги назоратни амалга оширишда назорат остидаги банкка алоқаси бўлган бошқа назорат органлари, асосан назорат остидаги банк рўйхатдан ўтган ҳудуднинг назорат органлари билан алоқаларни ушлаб туриш ва ахборот алмашинуви асосий омил бўлиб хизмат қилиши;

- банк назорати органлари, хорижий банклар томонидан мазкур мамлакатда амалга оширилаётган операциялар миллий стандартларга мос келишини талаб қилишлари, банкнинг штаб-квартираси жойлашган мамлакат назорат органларига, мазкур банк ва унинг хориждаги бўлинмалари устидан назоратни амалга ошириш учун зарурий ахборотлар тақдим этиш ваколатига эга бўлиши лозимлиги ўз аксини топган.

Банклар ҳамда назорат органлари капитал етарлилиги бўйича қўйидаги меъёрлардан фойдаланишар экан;

• Биринчи гуруҳ - *банкнинг ўз капиталини депозитлар умумий суммасига нисбати.*

**Капитал етарлилиги =  $\frac{\text{Ўз К}}{\text{Д}}$**

• Иккинчи гуруҳ - *банкнинг уз капиталини рискка кўра тортилган активларга нисбати.*

**Капитал етарлилиги =  $\frac{\text{Ўз К}}{\text{АР}}$**

• Бу усулдан 1914-1952 йилларда фойдаланишган, лекин ХХ асрнинг иккинчи ярмига келиб капитал адекватлигига нисбатан қарашлар ўзгара бошлади. Бунда капитални етарлилигини баҳолашда депозитларлардан активларнинг сифати кўрсаткичи муҳимроқ эканлиги маълум бўла бошлади. Банк капиталининг етарлилиги банк йўқотишларини банк омонатчилари ва кредиторлари учун таъсирсиз ўтишини таъминлаши зарур.

Базель Қўмитасининг асосий меъерий хужжатлари:

- Самарали назоратнинг асосий принциплари. (1997-йил)
- БАЗЕЛЬ I (1988-йил)
- БАЗЕЛЬ II (2004-йил)
- БАЗЕЛЬ III (2009-йил)

2013 йил биринчи январдан бошлаб 2019 йил биринчи январига қадар янги стандартларни татбиқ этиш.

Базель III – Базель II га га киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар.

Банкнинг ўз капитали структурасидаги ўзгаришлар.

Капитал етарлилигига қўйиладиган талабларнинг оширилиши.

Капитални ҳимояловчи буферларни ташкил этилиши:

1. «Консервация буфери»

2. «Контрциклик буфер»

Банкнинг асосий капитали – солиқлар тўлангунча рискка тортилган активларга нисбаттан 2% ташкил этган.

Базель бу кўрсаткични (common equity) 2013-2015 йиллар оралигида 2 % дан солиқларни тўлагандан сўнг 4,5 % ташкил этишини талаб қилмоқда.

Капиталнинг консервация буфери таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги барча активларнинг 3,0 фоизи сифатли I даражали капитал бўлишини ҳисобга олган ҳолда ва Базель 3 меъёрларига мувофиқ K2 коэффициенти 2015 йилнинг 1 сентябридан 0,075 (7,5 фоиз); 2016 йилнинг 1 январидан 0,085 (8,5 фоиз); 2017 йилнинг 1 январидан 0,095 (9,5 фоиз); 2018 йилнинг 1 январидан 0,105 (10,5 фоиз) ва 2019 йилнинг 1 январидан 0,110 (11 фоиз) миқдоридан кам бўлмаслиги лозим.

Таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммаси (ТАУС) чегирмалар ажратилган ҳолда таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги баланс ва балансдан ташқари активлар йиғиндиси сифатида аниқланади.

Регулятив капиталнинг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбати 10 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Регулятив капиталнинг монандлик коэффициенти K1 қуйидаги тарзда ҳисобланади:

$$K1 = PK / TAUC$$

2016 йил 1 январдан бошлаб K1 нинг энг кичик даражаси 0,115 (11,5 фоиз) миқдорида белгиланади.

2019 йил 1 январдан бошлаб банклар таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг 3,0 фоизи миқдоридаги капитални консервация қилиш буферини ҳисобга олган ҳолда K1 нинг энг кичик даражасини 0,145 (14,5 фоиз) миқдорида таъминлашлари шарт.

Шунингдек, 2017 йилнинг январидан ушбу кўрсаткич 0,125 (12,5 фоиз); 2018 йилнинг 1 январидан ушбу кўрсаткич 0,135 (13,5 фоиз) ташкил этади.

Капиталнинг консервация буфери таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг 3,0 фоизи миқдоридаги қўшимча захирадан иборат. Бундай захирадан мақсад банклар томонидан молиявий ва иқтисодий қийинчилик даврларида зарарларни қоплаш учун ишлатилиши мумкин бўлган капитал захирасининг таъминланишини кафолатлаш ҳисобланади.

Асосий капиталга бўлган талаблар:

Биринчи даражали капиталга бўлган минимал талаблар оширилди.

Унинг ҳажми 2013-2019 йиллар оралигида 4% дан 6% оширилиши талаби киритилди.

Ҳимояловчи «КОНСЕРВАЦИЯ БУФЕРИНИ» киритилиши:

• Биринчи даражали капитални 2,5% миқдорида қўшимча захира «капитални консервация қилувчи буфер» ташкил этилади.

**2013-2019 йилларда биринчи даражали капиталнинг ошириш меъёрлари**

	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Биринчи даражали капитал (TIER 1 CAPITAL)	4.5	5.5	6.0	6.0	6.0	6.0	6.0

• Бунинг натижасида биринчи даражали капиталнинг умумий миқдори 7 % (2,5% + 4,5%) ташкил этиши зарур.

Заҳирани ташкил этишдан мақсад – молиявий ва иқтисодий стресслар (инқирозлар) шароитида юзага келиши мумкин бўлган йўқотишларни молиялаштириш учун манбани шакллантириш.

Банклар 2015-2018 йилларда солиқлар тўлангандан сўнг қоладиган соф фойдадан ажратмалар ажратиш орқали қуйида келтирилган кўрсаткичлардан кам бўлмаган миқдорда капитални ошириш бўйича барча чораларни кўришлари лозим.

**Капиталнинг монандлигига қўйилган минимал талаблар (%)**

Талаб кучга кириш санаси	Регулятив капиталга, (K1)	I даражали капиталга, (K2)	I даражали асосий капиталнинг регулятив капиталдаги улуши
01.09.2015	10	7,5	6
01.01.2016	11,5	8,5	7
01.01.2017	12,5	9,5	7,5
01.01.2018	13,5	10,5	8,5
01.01.2019	14,5	11	9,5

Лeverаж коэффициентини ҳисоблашда келгусида баланс активларида акс этиши эҳтимоли бўлган банк баланснинг «Кўзда тутилмаган ҳолатлар» ҳисобварақларидаги активлар ҳам ҳисобга олинади. Буларга капитални монандлигини ҳисоблашда қўлланиладиган активлар киради.

Балансдан ташқари активлар лeverажнинг асосий манбаси ҳисобланади. Шунинг учун банклар лeverаж коэффициентини ҳисоблашда юқорида қайд этилган балансдан ташқари активларни, кредитнинг қайта ҳисоблаш омилини (100 фоиз) қўллаган ҳолда, қуйидаги икки ҳолатдан ташқари, ҳисоблашлари лозим:

- хосилавий (дереватив) операциялар капитал монандлигини ҳисоблашда фойдаланиладиган «таваккалчиликка дастлабки мойиллик»ка мувофиқ ўтказилиши;

- банк ҳар доим ўзи томонидан сўзсиз бекор қиладиган барча мажбуриятлар учун 10 фоизлик кредитнинг қайта ҳисоблаш омилини қўллаши лозим.

## **Назорат саволлари**

1. Халқаро банк назорати усуллари.
2. Халқаро банк назорати усулларининг Ўзбекистон банк тизимидаги амалиёти.
3. Тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солишда халқаро Базель қўмитасининг тамойиллари.
4. Ўзбекистонда банк назоратини халқаро Базель қўмитаси тамойиллари асосида такомиллаштириш масалалари.
5. Банк назоратини ташкил этиш бўйича Ўзбекистондаги мавжуд муаммолар.

## **Фойдаланилган адабиётлар:**

### **Махсус адабиётлар**

1. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2017 йил 16 январ, № 11 (6705)
2. Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимиغا киришиш тантанали маросимиغا бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқи, Тошкент - «Ўзбекистон» - 2016
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармониغا 1-илова, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси
4. Shelagh Heffernan, Modern Banking, John Wiley & Sons Ltd, The Atrium, Southern Gate, Chichester, West Sussex PO19 8SQ, England, 2005
5. Murray N. Rothbard, The Mystery of banking, Ludwig von Mises Institute, Auburn, Alabama, 2008
6. Муллажонов Ф.М. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси банк тизими. Т. ”Ўзбекистон” 2011.
7. Норқобилов С., Дадабоева Х., Жўраев Ў. Халқаро амалиётда банк назорати. Магистрлар учун дарслик / Тошкент Молия институти.–Т.: “IQTISOD–MOLIYA”, 2007, 180 бет.

## **Интернет ресурслари**

1. [www.economics.ru](http://www.economics.ru)
2. [www.ifmr.uz](http://www.ifmr.uz)
3. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
4. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

5. [www.bankir.uz](http://www.bankir.uz)
6. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)
7. [www.bankinfo.uz](http://www.bankinfo.uz)
8. [www.google.uz](http://www.google.uz)

## **2-мавзу: Электрон (нақд пулсиз) тўлов тизими ва тўлов тизимида масофавий банк хизматларининг аҳамияти**

### **Режа:**

- 2.1. Электрон (нақд пулсиз) тўлов тизими тушунчаси ва аҳамияти.**
- 2.2. Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизими таҳлили.**
- 2.3. Масофавий банк хизматларининг вужудга келиши ва эволюцияси.**
- 2.4. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида масофавий банк хизматларининг амалдаги ҳолати таҳлили**

**Таянч иборалар:** *Ахборотлаштириш, вакиллик ҳисобварақ, Процессинг маркази, бенефициар банк, клиринг тизими, банклараро тўлов тизими, ташаббускор банк, транзакция, электрон ҳужжат, масофавий банк хизматлари.*

### **2.1. Электрон (нақд пулсиз) тўлов тизими тушунчаси ва аҳамияти.**

Банклараро тўлов тизими банклар ўртасидаги миллий валюта (сўм)да электрон тўловларни банкларнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида очилган вакиллик ҳисобварақлари орқали амалга ошириш учун мўлжалланган.

Банклараро тўлов тизимининг қоидалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

Марказий банкнинг Ахборотлаштириш Бош маркази ва Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар маркази банклараро тўлов тизимининг иштирокчилари ҳисобланади. Банклараро тўлов тизимининг фойдаланувчилари Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар марказида вакиллик ҳисобварақига эга бўлган банклар ва молиявий институтлар ҳисобланади.

Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар маркази (кейинги ўринларда - МБ ҲҚМ) - бу Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар Бош бошқармасининг Ҳисоб, ҳисобот ва ҳисоб-китоблар бошқармаси бўлими бўлиб, унинг вазифасига тижорат банкларининг бош офисларига вакиллик ҳисобварақларини очиш ва хизмат кўрсатиш ҳамда улар ўртасида электрон тўловларнинг узлуксизлигини таъминлаш киради.


Марказий банкнинг Ахборотлаштириш Бош маркази (кейинги ўринларда - АБМ) - амалдаги қонунчилик ҳамда АБМ ва банклар ўртасидаги шартномаларга мувофиқ банклараро тўлов тизимининг техник, дастурий ва эксплуатацион хизматларини таъминлайдиган марказ.

Банклараро тўлов тизимининг иштирокчилари ва фойдаланувчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини очиш ва хизмат кўрсатиш учун фойдаланувчи банкларнинг МБ ҲҚМ билан, банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловлар ўтказиш учун эса - АБМ билан

тузилган икки томонлама шартнома асосида тартибга солинади.

Жисмоний шахслар ва улардан тўловларни қабул қилиб олувчи субъектлар ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг, шу жумладан, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, уй-жой коммунал, мобил алоқа, рақамли телевидение, нотариал ва бошқа хизматлар бўйича тўловларни дам олиш кунларисиз кечаю-кундуз (24/7) реал вақт режимида банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари орқали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизими яратилган бўлиб, бугунги кунда мазкур тизим орқали икки йўналишда тўловлар клиринги амалга оширилмоқда.

Биринчи йўналиш доирасида Марказий банкда банк пластик карточкалари амалга оширилган тўловлар бўйича банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини тўғридан-тўғри дебетлаш механизми яратилди ва Ягона умумреспублика Процессинг маркази билан ўзаро фаолияти йўлга қўйилди.



**3-расм. Электрон тўлов ҳужжатларнинг ўтиш схемаси<sup>9</sup>**

Электрон тўловлар банклардан фақатгина вакиллик ҳисобварақларидаги маблағлар қолдиғи доирасида амалга оширилади, агарда МБ ҲҚМ ва банк ўртасидаги шартномада бошқа ҳолат келишилмаган бўлса.

Соат 9-00 дан 16-00 гача - банклараро ҳисоб-китоблар бўйича электрон тўлов ҳужжатлар (кейинги ўринларда - ЭТХ)ни узатиш - қабул қилиш - назорат қилиш вақти.

1) Банклар мазкур даврнинг ҳар қандай вақтида МБ ҲҚМга ЭТХларни узатишлари мумкин.

2) Жўнатишга мўлжалланган ЭТХ назоратдан ўтади, банкнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади, шифрланади ва банк телекоммуникация тармоғи бўйича МБ ҲҚМга бундан кейинги қайта ишлашлар учун узатилади.

<sup>9</sup> [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) сайти маълумотлари асосида тузилди.

Соат 17-00 гача Республика бюджети ҳамда жамғариб бориладиган пенсия тизимининг тегишли ҳисобварақларига маблағларни ўтказиш бўйича ЭТХларни узатиш амалга оширилади. Бунда соат 16-30 гача тижорат банклари ўртасидаги, соат 17-00 гача эса - тижорат банкларидан Марказий банк ҳамда Халқ банкига, шунингдек Марказий банкдан юборилган ЭТХларни қайта ишланилиши яқунланади.

Соат 17-00 дан АБМ банкларга куннинг яқунланиши ва яроқсиз (брак) деб топилган ЭТХлар тўғрисида (ташаббускор банк ва бенефисиар банк бўйича) ҳабарнома жўнатади.

Шундан кейин АБМда “Куннинг яқунланиши” босқичи амалга оширилади. МБ ҲКМда қуйидагилар “Куннинг яқунланиши” босқичини бажарилишининг шартлари ҳисобланади:

- банклардан ЭТХни қабул қилиш вақтининг тугаши;
- МБ ҲКМга узатилган барча ЭТХ қайта ишланган ва банкларнинг тегишли вакиллик ҳисобварақларида акс эттирилган бўлиши керак.

Банкларда “Куннинг яқунланиши” босқичининг вақти банкнинг ички тўлов тизими қоидаларига мувофиқ мустақил равишда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредитни бошқариш хусусият (параметр)ларидан келиб чиққан ҳолда, банклараро ЭТХларининг ўтказиш вақтини тўлов тизими масалаларини назорат қилувчи раис ўринбосарининг ёзма фармойишига асосан узайтириши мумкин. Бу ҳақда тизим қатнашчилари ва фойдаланувчилари ЭТХга ишлов бериш вақтининг тугашига бир соат қолғунига қадар кечиктирилмасдан ҳабардор қилинади.

Банк филиаллари ўзининг миждозлари ўртасидаги барча тўловларни банк хизматини кўрсатиш учун тузган шартномасига мувофиқ мустақил равишда амалга оширади.

Банкнинг масъул ходими пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини олишда рўйхати;  
ҳужжатнинг рақами;  
ҳужжатнинг санаси;  
тўловчининг номи;  
тўловчининг шахсий ҳисобварағи рақами;  
солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);  
тўловчи банкнинг коди;  
тўловчи банкнинг номи;  
ҳужжатнинг суммаси (рақам билан);  
олувчининг номи;  
олувчининг шахсий ҳисобварағи рақами;  
олувчи банкнинг коди;  
олувчи банкнинг номи;  
ҳужжатнинг суммаси сўз билан (автоматик тарзда ёзилади);  
тўловнинг мақсади кабилар  
келтирилган барча мажбурий реквизитларнинг тўғри тўлдирилиши бўйича визуал текшириш ўтказилади.

ЭТХларида банклар ва уларнинг филиаллари вакиллик ҳисобварақлари рақамини, шунингдек, МБ ҲКМ кодини қўйиш тақиқланади.

Банк филиалида дебет хужжатлари (тижорат банкнинг ҳисоб-китоб чеклари, эмиссия тўловлари)ни расмийлаштиришда қуйидаги тартиб мавжуд:

1) Эмиссия операцияларида мемориал ордер расмийлаштирилади:

ДЕБЕТ	20102, 20106;
КРЕДИТ	17301;

2) тижорат банкнинг ҳисоб-китоб чеклари бўйича операциялар учун:

ДЕБЕТ	20206,	29896;
КРЕДИТ		19903;

Банклар банк қонунчилик хужжатлари, ўрнатилган иқтисодий меъёрларга риоя қилмаган ҳолларда, Марказий банк дебет мемориал ордерларни шакллантириш йўли билан банкларнинг вакиллик ҳисобварақларидан жарима ундириш ҳуқуқига эга.

Киритилган пул-ҳисоб-китоб хужжати асосида банкнинг филиалида дастурий равишда ЭТХ шакллантирилади, у ички назоратдан ўтади, электрон рақамли имзо билан тасдиқланади, шифрланади ва банкнинг Тўлов (Ҳисоб-китоб) марказига узатилади.

Ташаббускор банкда, ички назорат ва электрон рақамли имзо текшируви ўтказилганидан сўнг, банкларaro ҳисоб-китоблар бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

1) Ташаббускор банкнинг Тўлов (Ҳисоб-китоб) марказида филиаллардан олинган ЭТХларига асосан:

Кредит операциялари (ОТ - 01, 02, 05, 06, 11) бўйича:

ДЕБЕТ	22204 тегишли филиал ҳисобварағи;
КРЕДИТ	10301 банкнинг ҳисобварағи;

Дебет операциялари (ОТ - 14) бўйича:

ДЕБЕТ	10301 банкнинг ҳисобварағи;
КРЕДИТ	22204 тегишли филиал ҳисобварағи;

2) Марказий банкнинг маълумотларни қайта ишлаш бўлимида Марказий банкнинг Ҳисоб-китоб-касса марказларидан олинган ЭТХга асосан:

Кредит операциялари (ОТ - 01, 02, 05, 06, 11) бўйича:

ДЕБЕТ	22204 тегишли Ҳисоб-китоб-касса маркази ҳисобварағи;
КРЕДИТ	11005;

Дебет операциялари (ОТ - 06) бўйича:

ДЕБЕТ	11005;
КРЕДИТ	22204 тегишли Ҳисоб-китоб-касса маркази ҳисобварағи;



Бенефисиар банкда, ички назорат ва электрон рақамли имзо текшируви ўтказилганидан сўнг, банклараро ҳисоб-китоблар бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

1) Бенефисиар банкнинг Тўлов (Ҳисоб-китоб) марказида банкка ЭТХ келиб тушганда:

Кредит операциялари (ОТ - 01, 02, 05, 06, 11) бўйича:

ДЕБЕТ	10301;
КРЕДИТ	22204 тегишли филиал ҳисобварағи;

Дебет операциялари (ОТ - 14) бўйича:

ДЕБЕТ	22204 тегишли филиал ҳисобварағи;
КРЕДИТ	10301;

2) Марказий банкнинг маълумотларни қайта ишлаш бўлимида ЭТХ келиб тушганда:

Кредит операциялари (ОТ - 01, 02, 05, 06, 11) бўйича:

ДЕБЕТ	11005;
КРЕДИТ	22204 тегишли Ҳисоб-китоб-касса маркази ҳисобварағи;

Дебет операциялари (ОТ - 06) бўйича:

ДЕБЕТ	22204 тегишли филиал ҳисобварағи;
КРЕДИТ	11005;

Бенефисиар банкнинг Тўлов (Ҳисоб-китоб) марказидан келиб тушган ЭТХлари филиалда ички назорат ва электрон рақамли имзоси текширувидан ўтади. Ижобий натижа олинганда, ўтказмалар филиал ва унинг мижозларининг тегишли ҳисобварақлари бўйича акс эттирилган ҳолда амалга оширилади.

Агар мижознинг ҳисобварақ рақами нотўғри кўрсатилган бўлса, бу ҳолда маблағлар олувчи учун 23206 - «Аниқланиш жараёнидаги трансакциялар» ҳисобварағига ёки тўловчи учун 17305 - «Аниқланиш жараёнидаги трансакциялар» ҳисобварағига ўтказилади, ундан уч иш куни мобайнида мақсади бўйича ҳисобдан ўчирилиши керак.

Электрон ҳужжат айланиши (ЭҲА) тизими Марказий банк Аппаратида 2009 йил 1 майдан амалга тўлиқ жорий этилган бўлиб, ҳозирги кунда мазкур ЭҲА тизими воситасида Марказий банк аппарати, барча ҳудудий Бош бошқармалар таркибий бўлинмалари орасида ҳужжатлар электрон тарзда алмашинади.


Марказий банк ва тижорат банклари ўртасида электрон ҳужжат алмашинуви барча тижорат банкларининг Бош офисларида ЭҲА тизими учун махсус ажратилган компютер воситасида амалга оширилади.

Марказий банк таркибий бўлинмаларидан тижорат банклари ва уларнинг

филиалларига мўлжалланган электрон ҳужжатлар тижорат банкнинг Бош банкига мазкур ЭҲА тизими воситасида этказиб берилади. Тижорат банклари ўзларининг ички почта тизими ёки телекоммуникация тармоғидан фойдаланган ҳолда тегишли таркибий бўлинмаларига (филиалларига) электрон ҳужжатларни этказиб беради.

Марказий банкнинг ЭҲА тизими бошқа шундай тизимлардан фарқли равишда бир қатор имкониятларга эга. Буларга тизимда маълумотларни тиражланишини олдини олиш мақсадида умумий электрон папкалардан фойдаланиш, маълумотлар базасидан фойдаланган ҳолда ҳисоботларни автоматлаштирилган тартибда ҳосил қилиш ва ундан фойдаланиш рухсат этилган барча мутахассисларнинг электрон папкаларига жойлаштириб қўйиш, ҳужжатларни қайд этиш бўйича электрон журналларини юритиш, ҳужжатларнинг ижроси ҳолати, келган ва жўнатилган ҳужжатлар, бажарилган, бажарилиш муддати ўтган, қайд қилинган санаси бўйича назоратга олинган, назорат муддати ўтган ва маълум муддат оралиғидаги кирувчи ва чиқувчи ҳужжатлар бўйича автоматлашган тарзда турли ҳисоботларни шакллантириш ҳамда электрон ҳужжат айланиши тизимининг Марказий банкнинг бошқа автоматлашган тизимлари билан интеграллаштириш имкониятларини киритиш мумкин.

Бугунги кунда республикада халқаро андозаларга жавоб берувчи самарали электрон тўловлар тизими яратилган бўлиб, у ўз навбатида, 3 та тўлов тизимидан – банклараро тўлов тизими, банкнинг ички тўлов тизими ва чакана тўлов тизимидан ташкил топган.




**4-расм. Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган тарнзакциялари сони, (минг та)<sup>10</sup>**

2019 йил давомида Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган операциялар сони 2018 йилга нисбатан 6,0 фоизга камайиб, 70,2 млн. тани ташкил этган бўлсада, амалга оширилган операциялар суммаси

<sup>10</sup> <http://www.cbu.uz/oz/payment-systems/interbank/>

эса 1126,9 трлн. сўмни ташкил қилган ва 2018 йилга нисбатан 30 фоизга ортган.

млрд сўм



**5-расм. Марказий банкнинг банкларaro тўлов тизими орқали амалга оширилган операциялар суммаси, млрд сўм<sup>11</sup>**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда қуйидаги тўлов ҳужжатларидан фойдаланилади:

- мемориал ордер;
- тўлов топшириқномаси;
- тўлов талабномаси;
- инкассо топшириқномаси;
- аккредитивга ариза;
- тижорат банкнинг ҳисоб-китоб чеки.

Банклар мемориал ордерлардан фуқароларнинг, олиб бораётган тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳолда, ёзма топшириқномалари бўйича нақд пулсиз пул маблағларини ўтказишни амалга оширишда фойдаланишлари мумкин. Тижорат банклари ўз операцияларини нақд пулсиз тартибда амалга ошираётганда мемориал ордер тузилади.

Банк иш куни якунланиб, баланс ҳисоботи тузилиб Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига жўнатилганидан сўнг, хато ёзувлар аниқланган ҳолларда, ушбу хато ёзувлар киритилган ҳисобварақларга эртаси банк иш куни тескари бухгалтерия ёзувлари киритиш (сторно бериш) йўли билан, тузатиш мемориал ордерлари асосида тўғриланиши лозим. Бундай ҳолларда ҳисобварақлардан суммалар мижозларнинг розилигисиз ҳисобдан чиқарилади. Бу ҳақда банк билан мижоз ўртасида тузилган шартномада кўрсатиб ўтилган бўлиши шарт.

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2019 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи маълумотлари

Тўлов топшириқномаси — мижознинг унга хизмат кўрсатувчи банкка ўз ҳисобварағидан олувчининг ҳисобварағига маълум бир суммани ўтказиш тўғрисидаги топшириғини англатади.

Тўлов талабномаси — ўзида маблағ олувчини тўловчи томонидан банк орқали маълум бир суммани тўлаш тўғрисидаги талаби акс эттирилган пул-ҳисоб-китоб ҳужжатидир.

Инкассо топшириқномаси маблағ олувчининг банкка тўловчининг ҳисобварағидан сўзсиз тартибда маблағларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги топшириғини англатади.

Ҳисоб-китобларнинг аккредитив шаклида, мижознинг (тўловчининг) топшириғига ва унинг кўрсатмасига мувофиқ аккредитив очган банк (банк-эмитент), ўз зиммасига унинг контрагенти-маблағ олувчи фойдасига тўловни амалга ошириш мажбуриятини ёки маблағ олувчи томонидан аккредитивда кўзда тутилган ҳужжатларни ва бошқа шартларни бажариш шарти билан ушбу тўловларни амалга ошириш бўйича ваколатларни бошқа банкка тақдим этишни ўз зиммасига олади.

Тижорат банкининг ҳисоб-китоб чеки — мижознинг хизмат кўрсатувчи банкка чек берувчининг ҳисобварағидан чек ушловчининг ҳисобварағига маълум суммадаги маблағларни ўтказиш бўйича берган топшириғидир.



**6-расм. Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган операциялар сони (тўлов ҳужжатлари бўйича)<sup>12</sup>**

Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали 2019 йилда амалга оширилган транзакцияларнинг тўлов ҳужжатлари кесимидаги таркибидатўлов топшириқномалари асосида амалга оширилган транзакциялар сони 40,8 млн.тани (жами транзакциялар сонидаги улуши 58 фоиз) ва транзакциялар суммаси эса 749,2 трлн. Сўми (жами транзакциялар суммасининг 66,5 фоизи),

<sup>12</sup> <http://www.cbu.uz/oz/payment-systems/payment-documents/>

мемориал ордерлар асосида амалга оширилган транзакциялар сони 20,4млн.тани (29 фоиз) ва транзакциялар суммаси 371,5 трлн. сўмни (33 фоиз), инкассо топшириқномалари асосида амалга оширилган транзакциялар сони 8,7 млн.тани (12,3 фоиз) ва транзакциялар суммаси 5,4 трлн. сўмни (0,5 фоиз) ташкил этди.

2019 йил давомида Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими жами 265 банк иш куни фаолият юритган бўлиб, ўртача кунлик транзакциялар сони 265,1 минг тани, ўртача кунлик транзакциялар суммаси эса 4,3 трлн. сўмни ташкил этди.

Ҳукумат қарорлари ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати, давлат ва бошқарув органлари билан Марказий банк ҳамда унинг барча ҳудудий Бош бошқармалари орасида ягона ҳимояланган электрон почта ва электрон ҳужжат айланиши тизими йўлга қўйилган.

ЭҲА тизимларини жорий этилиши муносабати билан вазирлик ва идораларда иш юритиш ҳамда ижрочилик интизомини тартибга солувчи амалдаги меъёрий талаблар, ҳужжатларни электрон тарзда алмашиш, уларни электрон тарзда қайд этиш, электрон назорат карточкаларни юритиш, электрон ҳужжатлар архивини ташкил этиш ва бошқа талабларни ҳисобга олган ҳолда қайта ишлаб чиқилиши тақозо этилади.

Республика “Электрон ҳукумат” тизимини татбиқ қилишда идоралараро ҳужжат алмашинувини жорий қилиш учун аввало барча давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ҳимояланган электрон почтани ва электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этиш, идораларнинг ички ЭҲА тизимлари билан идоралараро ЭҲА тизими интеграциясини ташкил этиш муҳим ҳисобланади.

Шу сабабли, 2016 йилда Марказий банкнинг барча ҳудудий Бош бошқармаларида ЭҲА тизимини тўлиқ жорий қилиш яъни, Марказий банк ва унинг ҳудудий Бош бошқармалари томонидан маълумотлар ҳамда электрон ҳужжатларни тижорат банклари, уларнинг филиаллари ва таркибий бўлинмаларига бевосита узатилишини ташкил этилиши, Марказий банкнинг ЭҲА ва Е-ижро тизимларининг интеграцияси бўйича ишлар олиб борилиши республика банк тизимидаги долзарб масалаларни тезкор эчилишини таъминлайди.

Банклардан ЭТҲ келиб тушганидан кейин, МБ ҲҚМда уларни автоматлаштирилган қайта ишлаш ташкил этилади.

Қайта ишлаш жараёнида келиб тушган ЭТҲлар ички назорат ва электрон рақамли имзо текширувидан ўтади. Назоратдаги реквизитлар ёки электрон рақамли имзода хатолар аниқланганда, хато ЭТҲлари қайта ишлашдан чиқариб ташланади. Шунингдек, ЭТҲ БДМАБ базасида бенефисиар банк ва ташаббускор банк мижозларининг ҳисобварақлари мавжудлиги бўйича реквизитлар назоратидан ўтади. Агар ЭТҲнинг реквизитларида кўрсатилган ҳисобварақлар ўрнатилган тартибда БДМАБда рўйхатдан ўтмаган бўлса, ушбу ЭТҲ тегишли хато коди кўрсатилган ҳолда яроқсиз деб топилади.

Ҳар бир ЭТҲ батафсил таҳлил қилинишидан олдин, қуйидагилар бўйича текширилади:

а) жорий куннинг бошида вакиллик ҳисобварағи ҳолатини текширганда ижобий натижа чиқиши;

б) электрон тўловни амалга ошириш учун банкнинг вакиллик ҳисобварағида етарли маблағларнинг мавжудлиги.

Текшириш мобайнида, ҳар бир ЭТХ қайта ишлангандан кейин банкнинг вакиллик ҳисобварағида қолиши кўзда тутилган қолдиқ суммаси ҳисобланади. Файл алмашувида дастлаб ҳисобвараққа ўтказиладиган, кейин эса, ҳисобдан ўчириладиган барча электрон тўловлар ҳисобга олинади.

ЭТХда биронта хато аниқланса, шунингдек, электрон тўловларни амалга ошириш учун банкнинг вакиллик ҳисобварағида маблағлар етарли бўлмаса, мазкур ЭТХ қайта ишлашдан чиқарилади ва бу ҳақда банкка хато коди кўрсатилган ҳолда ахборот тақдим этилади.

Агар текширув жараёнида хатолар аниқланмаса ва вакиллик ҳисобварағининг қолдиғи банклараро ҳисоб-китоблар бўйича электрон тўловларни ўтказиш имконини берса, ЭТХ МБ ҲКМ амалиёт кунда кейинги қайта ишлашнинг барча босқичларидан ўтади.

## **2.2. Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизими таҳлили**

Жисмоний шахслар ва улардан тўловларни қабул қилиб олувчи субъектлар ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг, шу жумладан, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, уй-жой коммунал, мобиль алоқа, рақамли телевидение, нотариал ва бошқа хизматлар бўйича тўловларни дам олиш кунларисиз кечаю-кундуз (24/7) реал вақт режимида банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари орқали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизими яратилган бўлиб, бугунги кунда мазкур тизим орқали икки йўналишда тўловлар клиринги амалга оширилмоқда.

Биринчи йўналиш доирасида Марказий банкда банк пластик карточкалари амалга оширилган тўловлар бўйича банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини тўғридан-тўғри дебетлаш механизми яратилди ва Ягона умумреспублика Процессинг маркази билан ўзаро фаолияти йўлга қўйилди.

Ҳозирги кунда барча банк пластик карталари орқали амалга оширилаётган тўловлар бўйича якуний молиявий ҳисоб-китоблар Марказий банкнинг клиринг тизими орқали ўтказилмоқда.

2017-2020 йил давомида аҳолининг нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада кенгайтириш, савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш объектларини тўлов терминаллари билан жиҳозлаш, пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда банк пластик карточкалар билан ҳисоб-китобларни амалга оширишда фойдаланувчиларга янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:


- аҳоли билан пуллик ҳисоб-китобларни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектларга тўлов терминалларини ижарага бериш механизми қайта кўриб чиқилиб, ижара ҳақи 50 фоизга қисқартирилди ва миллий валютада белгиланди (якка тартибдаги тадбиркорларга – 15 минг сўм, юридик шахсларга

– 25 минг сўм);

- тўлов терминаллари инфратузилмасини янада кенгайтириш мақсадида тижорат банкларига 2017-2020 йиллар мобайнида Процессинг марказларининг техник тавсифномаларига мувофиқ, ҳисоб-китоб тўлов терминаллари, инфокиосклар, банкоматлар ва бошқа тегишли ускуналарни харид қилишда тендер савдоларини ўтказмасдан шартномалар тузиш ҳуқуқи берилди;

- янги банк хизмати турини жорий этиш мақсадида банк пластик карточкалари орқали аҳолининг истеъмол эҳтиёжлари учун муддатли (овердрафт) кредитлар бериш тартиби жорий қилинди.

Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизими орқали амалга оширилган транзакциялар ҳажми сўнгги икки йил мобайнида кетма-кет 2 баробарга, шу жумладан, 2019 йилда 2018 йилдаги 10,2 трлн. сўмдан 20 трлн. сўмгача ошди.



**7-расм. Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар Клиринг тизими орқали амалга оширилган транзакциялар суммаси, млрд. сўмда <sup>13</sup>**

Жумладан, ҳисоб-китоблар клиринг тизими орқали 2019 йил мобайнида амалга оширилган транзакцияларнинг 25,7 фоизи аҳолининг бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларга (мактабгача таълим муассасалари, олий ўқув юртлари ва бошқалар) тўловлари, 22 фоизи автомобиль харид қилиш учун тўловлар, 9,9 фоизи электр энергияси учун тўловлар, 9,2 фоизи табиий газ учун тўловлар, 6,4 фоизи солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар, 5,5 фоизи нотариус ва ФХДЁ тўловлари, 4,3 фоизи йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жарима тўловлари, 3,6 фоизи божхона тўловлари, 3,5 фоизи Давлат хизматлари марказларига тўловлар, 1,8 фоизи иссиқлик қуввати учун тўловлар ҳамда қолган 8,1 фоизи бошқа тўловлар ҳиссасига тўғри келган.

Зеро, кейинги йилларда Ўзбекистон банк тизимида изчил ва аниқ мақсадли ислохотлар олиб борилмоқда, чора-тадбирлар, банк-молия хизматларини кўрсатиш сифатини тубдан яхшилашга доир бир қатор қарорлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013-йил 27-июндаги «Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1989-сонли Қарори

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2019 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи



билан Марказий банкнинг «Чакана тўловларни реал вақт режимида амалга ошириш клиринг тизимини яратиш ҳамда хизмат кўрсатувчиларнинг биллинг тизими билан интеграллаш» лойиҳаси республика «Электрон ҳукумат» тизимининг ахборот тизимлари таркибига киритилди. Шу муносабат билан республикамизда нақд пулсиз чакана тўловларнинг амалга оширилишида жисмоний шахслар ва улардан тўловларни қабул қилиб олувчи томонлар ўртасида ҳисоб-китобларнинг замонавий самарали тизимини ташкил этиш мақсадида, «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизими тўғрисида»ги Низом ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг 2014-йил 21-февралдаги 4/4-сонли қарори билан тасдиқланган ҳолда Адлия вазирлигида 2014-йилнинг 4-апрелида 2570-сон билан давлат рўйхатига олинди.

Ушбу Низом талаблари республикамизда жисмоний ва юридик шахслар томонидан Клиринг тизими орқали миллий валютада нақд пулсиз чакана тўловларни амалга оширишга нисбатан татбиқ этилади. Клиринг тизимини яратишдан мақсад унга тижорат банклари филиаллари, кассалари ва Ўзбекистон банклари ассоциацияси қошидаги Ягона умумреспублика Процессинг марказини улаган ҳолда, жисмоний шахсларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни, шунингдек, коммунал хизматлар ва мобил алоқа операторлари учун тўловларни реал вақт режимида амалга ошириш имкониятини яратишдан иборат. Бундан ташқари, мазкур тизим миждозларга кечаю-кундуз банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш ва банк инфокиосклари орқали ишлаш имкониятини беради. Мазкур Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ҳисоб-китоблар клиринг ахборот дастурий мажмуасининг лойиҳаси икки босқичда амалга оширилди. Биринчи босқичда Марказий банк ҳузурида Ҳисоб-китоб банки ташкил этилиб, банк миждозларининг мажбуриятлари бўйича банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини тўғридан-тўғри дебетлаш механизми яратилди ва Ягона умумреспублика Процессинг маркази билан ўзаро фаолияти йўлга қўйилди.


Бу босқични белгиланган муддатда, яъни 2013-йил 16-сентябрда бажарилиб, ҳозирги кунда барча банк пластик карталари орқали амалга оширилган тўловлар бўйича якуний ҳисоб-китоблар Марказий банкнинг Клиринг тизими орқали амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, ҳуқуқий асосларни белгилаб бериш мақсадида «Ўзқарт банклараро чакана тўлов тизими фаолияти тўғрисида»ги Низомга (рўйхат рақами 2369, 2012-йил 30-май) тегишли ўзгартиришлар киритилди. Ҳозирги кунда банк карталари билан ушбу тизим орқали амалга оширилган ўртача ойлик транзаксиялар суммаси 2,14 трлн. сўмга етди. Иккинчи босқичда 2013-йилнинг 4-чораги ва 2014-йилнинг 1-чораги давомида Марказий банкнинг Клиринг тизими билан Давлат солиқ қўмитаси ахборот тизими, шунингдек, «Ўзбекенерго» аксиядорлик жамияти ҳамда «Ўзтрансгаз» аксиядорлик компанияларининг биллинг тизимлари интеграция қилинган ҳолда солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар, электр энергия ва газ истеъмол учун тўловларни реал вақт режимида амалга ошириш имконияти яратилди.

Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётида қўлланиладиган ихтиёрий дастур ёки



хизмат ўзига хос қонуний жиҳатдан мустақамланган асосга эга бўлиши талаб этилади. Бунда айнан хизмат турининг амалда давлат томонидан рухсат этилганлиги ва фойдаланувчилар ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари аниқ белгиланишини кўрсатади. Натижада банк миқозлари ҳам кафолатланган тегишли хизматлардан фойдаланишда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билиб олишади ва хизмат ҳавфсизлигига ишонч ҳосил қилишади.

Юқорида санаб ўтилган норматив ҳужжатлар тўлов тизимларини тузишнинг умум қабул қилинган халқаро тамойилларига асосан ишлаб чиқилган бўлиб марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартибини белгилайди.



**8-расм. Марказий банкнинг Клиринг тизими<sup>14</sup>**

Мамлакатимизда давлат органлари, хўжалик юриштирувчи субъектлар, шунингдек аҳолининг кундалик фаолиятида ахборот технологияларини кенг миқёсда татбиқ этишга алоҳида эътибор берилмоқда ва бу эса давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланди.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда жаҳоннинг йирик савдо компаниялари анъанавий савдо усулларида фойдаланиш билан бирга электрон тижоратдан ҳам кенг фойдаланмоқдалар. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда

<sup>14</sup> <http://uz.infocom.uz/2016/02/26/mamlakat-bank-tizimida-zamonaviy-axborot-kommunikatsiya-texnologiyalari-ning-orni-va-ahamiyati/>

дунё аҳолисининг 10%и<sup>15</sup> харидларни интернет тармоғи орқали амалга оширмакда ва бу рақам кундан кунга ўсиб бормокда.

Мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодиёти тизимига интеграциялашуви тегишли технологияларни нафақат ташқи бозорда, балки ички бозорда ҳам амалга жорий этилишини тақозо этади.

Республикада электрон тижоратни тартибга солиш бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий база яратилган. Бироқ, ахборот технологиялари ва тижоратнинг бугунги кундаги ривожланиш даражаси электрон тижорат соҳасидаги муносабатларни янада пухтароқ тартибга солишни талаб этади.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2013 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 17 январдаги йиғилишидаги топшириқларини ижросини таъминлаш учун Марказий банк томонидан “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилди. Янги таҳрирдаги қонун Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2015 йил 22 май, ЎРҚ-385-сонли Қарори билан қабул қилинди, унга кўра республикада электрон тижоратни янада ривожлантирилиши ва рағбатлантирилиши кўзда тутилди. Унга кўра республикада олиб борилаётган демократик бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш бўйича устувор вазифаларни амалга ошириш доирасида электрон тижорат соҳасини такомиллаштиришга йўналтирилган.

Хусусан, электрон тижорат соҳасидаги давлат сиёсати электрон тижоратни ривожлантириш учун ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий, техникавий ва бошқа шарт-шароитлар яратишга йўналтирилгандир.

Электрон тижорат соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- электрон тижорат воситасида амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;

- электрон тижорат воситасида амалга ошириладиган тадбиркорлик соҳасига инвестициялар, замонавий технологиялар ва жиҳозларни жалб этиш учун шарт-шароитлар яратиш;


- тадбиркорлик фаолияти субъектларини уларнинг электрон тижорат соҳасидаги фаолияти учун зарур бўлган ҳуқуқий, иқтисодий, статистик, ишлаб чиқариш-технологик, илмий-техникавий ва бошқа ахборот билан таъминлаш;

- электрон тижорат соҳасидаги илмий-техникавий тадқиқотларни рағбатлантириш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

- электрон тижорат соҳасидаги халқаро ҳамкорлик.<sup>16</sup>

<sup>15</sup> Евростат маълумотлари [www.bizhit.ru](http://www.bizhit.ru)

<sup>16</sup> «Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 23 майдаги 103 (6286)-сони



**9-расм. Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар Клиринг тизими орқали 2019 йилда амалга оширилган тўловлар таркиби, фоизда<sup>17</sup>**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 8 апрелдаги 7-А/4-сонли Қарори асосида “«GlabUzCard» банклараро универсал чакана тўлов тизими фаолияти тўғрисида”ги низоми қабул қилинди. Унга кўра «GlabUzCard» банклараро универсал чакана тўлов тизимида ҳам Процессинг маркази вазифаларини «Ягона халқаро процессинг маркази» масъулияти чекланган жамият кўшма корхонаси бажаради. БПК орқали амалга ошириладиган транзаксиялар ва уларга тегишли бошқа маълумотлар махсус дастурий таъминот воситасида шифрланган ҳолда амалга оширилади. Процессинг марказининг «GlabUz» тўлов тизимининг бошқа аъзолари билан ўзаро муносабатлари ахборот алмашиш орқали амалга оширилади. «GlabUz» тўлов тизимининг аъзосига ахборот алмашиш ҳуқуқи Процессинг марказида хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома тузилганидан кейин берилади.

Зарур ҳолларда, ахборотларни электрон ташувчилар орқали белгиланган муддатларда етказишда курердан фойдаланилиши мумкин. Бунда ахборотлар персонализацияланган ва шифрланган ҳолда бўлиши лозим.

Процессинг марказининг асосий вазифалари:

- тўлов воситаларининг барча турлари бўйича банклараро транзаксиялар процессингини кун давомида узлуксиз амалга оширилишини таъминлаш;
- БПКнинг бирламчи эмиссиясини амалга ошириш;
- «GlabUz» тўлов тизимининг аъзолари ўртасида маълумотлар алмашинуви ва клирингини ташкил этиш;
- «GlabUz» тўлов тизимининг БПКнинг реестрини шакллантириш;
- «GlabUz» тўлов тизими аъзоларини рўйхатга олиш ва уларнинг ягона маълумотлар базасини шакллантириш;
- тизимни ташкил қилувчи бош калитни бошқариш;

<sup>17</sup> <http://www.cbu.uz/upload/medialibrary/d0d/Markaziy-bankning-2019-yil-uchun-hisoboti.pdf>

- сохталаштириш ва фирибгарлик ҳолатларини олдини олиш мақсадида БПК, терминаллар, инфокиосklar, банкоматлар ва бошқа тегишли ускуналар, шунингдек тўлов тизими аъзолари маълумотларининг юқори даражадаги хавфсизлигини таъминлаш;

- «GlabUz» тўлов тизими аъзолари билан халқаро тўлов тизимлари ўртасида ахборот алмашинувини ташкил этиш;

- «GlabUz» тўлов тизими аъзолари учун умумий бўлган стоп-лист ва норматив ахборот маълумотномасига хизмат кўрсатиш;

- шифрланган маълумотларнинг махфийлик режимини ва «GlabUz» тўлов тизимининг ишлаш хавфсизлигини таъминлаш;

- «GlabUz» тўлов тизимининг техник воситаларидан фойдаланиш, уларнинг ишлашини кузатиш ва ривожлантиришни таъминлаш;

- БПКларнинг лойиҳаларини ривожлантириш ва уларни жорий қилиш учун шароит яратиш;

- «GlabUz» тўлов тизимининг ягона маълумотлар базасини яратиш, кузатиб бориш, такомиллаштириш ва бошқариш;

- БПК асосида жорий этилаётган маҳсулотлар ҳамда БПКга хизмат кўрсатувчи ускуналарни «GlabUz» тўлов тизимида жорий этиш, амалиётга киритиш ва фойдаланиш юзасидан хулоса бериш;

- маркетинг тадқиқотларини ўтказиш;

- БПК орқали амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича ўқув семинарларини ўтказиш.

Процессинг маркази қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг қарорига ёки Ҳисоб-китобларни амалга оширувчи банкнинг ёзма мурожаатига асосан эмитентнинг БПК бўйича операцияларини тўхтатиб туриш;

Процессинг маркази томонидан кўрсатилган хизматлар учун белгиланган миқдорда ҳақ олиш. Қуйидагилар Процессинг марказининг мажбуриятлари ҳисобланади:

- «GlabUz» тўлов тизими аъзолари томонидан БПК орқали операцияларни амалга оширишлари учун керакли шароитлар ва имкониятлар яратиш;

- Бош калитнинг сақланиши ва махфийлигини таъминлаш;

- «GlabUz» тўлов тизими аъзолари, шунингдек халқаро тўлов тизимлари ўртасида ахборотларни ўз вақтида алмашиниши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш;

- Ҳисоб-китобларни амалга оширувчи банкдан олинган хабарнома асосида «GlabUz» тўлов тизимининг аъзоси бўлган банк билан Ҳисоб-китобларни амалга оширувчи банк ўртасида тузилган хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ ўз мажбуриятларини бажармаётган эмитентнинг «GlabUz» тўлов тизимидаги операцияларини вақтинчалик тўхтатиб туриш;

- «GlabUz» тўлов тизимининг аъзоси бўлган банкнинг тугатилганлиги тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, бу ҳақда тугатиш комиссиясининг махсус қарори олинган кундан кейинги банк кунидан бошлаб бир банк иш кунидан кечиктирмай мазкур банкнинг БПК бўйича барча операцияларни тўхтатиш;

- «GlabUz» тўлов тизими хизматларининг узлуксизлигини таъминлаш;
- ахборотни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик чораларини таъминлаш;
- «GlabUz» тўлов тизими аъзоларининг операциялари бўйича ахборотларнинг муҳофазасини таъминлаш ва сақлаш, хавфсизлик чораларини кўриш;

- БПК эмитентларининг реестрини юритиш;

- БПКга хизмат кўрсатиш тизимининг дастурий таъминотини ҳамда тегишли ускуналарни ўз вақтида синовдан ўтказишни таъминлаш.

Ўзбекистон Республикасида чет эл валютасидаги БПКлар асосида амалиётларни ўтказиши, шунингдек «GlabUz» тўлов тизими доирасида муомалага чиқарилган БПК орқали Ўзбекистон Республикасидан ташқарида амалиётларни ўтказиши таъминлаш мақсадида «GlabUz» тўлов тизими халқаро тўлов тизимлари билан алоқалар ўрнатади.

Ўзаро алоқалар ўрнатилган халқаро тўлов тизимларининг чет эл валютасидаги БПК орқали Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўтказилган амалиётлар бўйича ахборот клирингини, шунингдек «GlabUz» тўлов тизими доирасида муомалага чиқарилган БПК орқали ўтказилган барча амалиётлар бўйича процессинг вазифаларини «Ягона халқаро процессинг маркази» масъулияти чекланган жамият қўшма корхонаси бажаради.

«GlabUz» тўлов тизими доирасида муомалага чиқарилган БПК орқали Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ўтказилган амалиётлар бўйича ҳисоб-китоблар клиринги халқаро тўлов тизимларининг принципал иштирокчиси мақомига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг халқаро тўлов тизимлари билан тузган ўзаро шартномалари доирасида амалга оширилади.

Ўзаро алоқалар ўрнатилган халқаро тўлов тизимларининг чет эл валютасидаги БПК асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўтказилган амалиётлар бўйича ҳисоб-китоб клирингини амалга оширувчи банк Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.02.2018 йилдаги № ПФ-5349 сонли “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармонида мамлакатда замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, электрон давлат хизматларини кўрсатишнинг яхлит тизимини яратиш, давлат органларининг аҳоли билан мулоқот қилишининг янги механизмларини жорий этиш юзасидан изчил иш олиб борилмоқда.

### **2.3. Масофавий банк хизматларининг вужудга келиши ва эволюцияси**

Маълумки, банклар замонавий молия тизимининг ажралмас қисми бўлиб, бозор ва ишлаб чиқарувчилар талаблари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда фаолият олиб боради. Улар жаҳон иқтисодий ҳаётининг марказида жойлашган бўлиб, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларнинг эҳтиёжларига хизмат кўрсатиш орқали саноат ва савдони, қишлоқ хўжалиги ва аҳолини ўзаро боғлайдилар.

Кейинги йилларда республика тижорат банклари чакана операцияларни

ривожлантириш орқали ўз миждозларига тақдим этиладиган хизматлар турларини кўпайтиришга ва ўз фаолиятини диверсификация қилишга ҳаракат қилмоқда. Ушбу мақсадда миждозлар томонидан банкоматлар, мобиль телефонлар ва Интернет орқали ўз ҳисоб рақамларини масофавий бошқариш каби электрон хизмат кўрсатиш технологиялари фаол тарзда амалиётга жорий этилмоқда. Масофавий банк хизматларини ҳаётга тадбиқ қилиш орқали кредит ташкилоти ўзининг анъанавий операцияларига қўшимча равишда, миждозлар эҳтиёжини тўлароқ ва сифатлироқ қондирадиган янги банк маҳсулотларини ҳам қўлламоқда.

Қайд этиш жоизки, масофавий банк хизмати деганда, банк биноси ташқарисидаги миждознинг бевосита талабини қондириш мақсадида турли хилдаги телекоммуникация тармоқлари орқали банк маҳсулотларини ва хизматларини тақдим этиш тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси ривожланаётган давлатлар қаторида ўз йўли ва миллий дастурига эга ҳисобланади. Бир қатор ривожланган давлатларнинг тажрибаларини атрофлича ўрганиб чиқилган бўлиб, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишни мақсад қилиб олган. Президентимизнинг «Банклар – иқтисодиётимизнинг локомативи бўлиши керак» деган шиорлари, ҳамда «Миждоз банк учун эмас, банк миждоз учун» хизмат қилиш керак каби бир қатор шиорлари банкларни янада зийрак ва кенг қамровли ишларни ташкил қилишга ундамоқда. Мамлакатимиз банк тизимини икки поғонада ташкил этилиши, Марказий банк ҳамда тижорат банклари зиммасига маъсулиятли вазифаларни юклади. Икки поғонали тизимни жорий этишда қуйидаги натижаларга эришиш мақсад этиб белгиланди. Булар жумласига нақд пул маблағларини банкдан ташқари айланишини қисқартириш, аҳолининг кенг қатламини банк фаолиятида қатнашишга жалб этиш, Республика банклари томонидан халқаро хизматларни кўрсатишни кенгайтириш, банк, пул, кредит тизимининг тамойил ва қоидаларини жаҳон андозаларига мос равишда ишлаб чиқиш ва ҳоказолар.

Таъкидлаб ўтилган мақсадларни амалга оширишда замонавий банк технологияларнинг ўрни беқиёсдир. Пластик карточкаларни муомалага киритилиши иқтисодиётимизни жадал суратларда ривожланишига, жумладан пулнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартиришга, пулнинг айланиш тезлигини мақбул доирада бўлишига, пул массасига хизмат кўрсатиш ҳаражатлари (қоғоз пуллар чиқариш, ташиш, санаш, қайта санаш ва ҳ.к.)ни камайшига, аҳолини банк билан ишлашини такомиллаштиришга ва бошқа бир қатор ижобий факторларни ривожланишига олиб келади.

Умуман олганда, моҳияти жиҳатидан банк ва миждоз мулоқотининг анъанавий ва масофавий банк хизмати схемалари орасидаги фарқ жуда катта эмас. Банк хизматлари ҳам, ҳисобрақамлар ҳам «ўз жойида» қолган бўлиб, фақатгина банк ходими ва миждозларни ўзаро боғлайдиган алоқа тури ўзгарди, холос. Яъни, фақат банк офисида бажарилиши мумкин бўлган операциялар, банк офисига хос бўлган функциялар эндиликда масофадан туриб ҳам амалга оширилиши мумкин. Миждоз ўз «оёқларига дам бериши» мумкин, дақиқалик операцияни амалга ошираман деб, банк биносига бориш йулига кетадиган қимматли иш вақтини йўқотиши шарт бўлмай қолди. Миждоз-банк, интернет,

телефон ёки мобил банкинг каби масофавий банк хизмати турлари, ўзаро фарқланишига қарамасдан, мижозларга хизмат қилишнинг анъанавий усулларидан нисбатан қуйидаги умумий устунликларга эга:

- хизмат кўрсатиш сифатининг ошиши, масофавий банк хизмати орқали вақт чеклови олиб ташланади, яъни мижоз ўз ҳисобрақамини ҳафтасига етти кун, кунига йигирма тўрт соат давомида бошқариш имконига эга бўлади. Вақт чекловидан ташқари, мижознинг географик ҳолатига ҳам эътибор берилмайди. Мижоз дунёнинг исталган нуқтасидан ўз транзакцияларини ўтказиши мумкин бўлади, бунинг учун персонал компьютер ва интернет глобал тармоғи ёки мобиль телефон ва алоқа тармоқи бўлса kifоя;

- янги банк маҳсулотларини яратиш, амалиётга татбиқ этиш ёки мавжуд молиявий хизматларни масофавий алоқа воситалари билан уйғунлаштириш ва ўзаро интеграциясини ошириш орқали банклараро рақобат шароитида банкнинг рақобатбардошлик кўрсаткичининг ошиши;

- филиалларни бошқариш билан боғлиқ харажатларни қисқартириш орқали банк операциялари таннархининг камайиши.

Мижозларга масофадан туриб хизмат кўрсатиш эвазига банк харажатларининг қисқариши масофавий банк хизмати ривожининг иккинчи омили ҳисобланади. Чунки интернет орқали масофавий хизматларни амалга ошириши учун банк глобал тармоқда ўз иштирокини таъминласа, яъни «виртуал офиси»ни ишга туширса, бўлди. Ушбу «виртуал офис» орқали мижоз банк-мижоз дастурини юклаб олиши ёки тўғридан-тўғри интернет банкингга уланиб, зарурий операцияларни амалга ошириши мумкин. Бунда банк мижозларга хизмат қилувчи серверни ўрнатиши ва мижозларнинг топшириқларини автоматлаштирилган банк ахборот тизимига ўтказувчи шлюзларни яратиши зарур бўлади. Албатта, ушбу харажатлар қўшимча харажатлар билан боғлиқ бўлсада, интернет тармоғи орқали ишлайдиган масофавий банк хизмати тизимини жорий қилишга кетадиган жами харажатлар банкнинг янги филиалини очиш учун кетадиган харажатларидан анча кам бўлади. Шу билан бирга, «виртуал офис»да хизмат кўрсатиладиган мижозлар сони филиал мижозлари сонидан бир неча марта ортиқ бўлади.

Масофавий банк хизмати тизимидан келадиган соф фойдани ҳисоблаш мушкул масала ҳисобланади, чунки бу тизим орқали даромад билвосита келади. Бевосита даромад эса (масалан тизимдан фойдаланганлик учун ҳақ) одатда жуда кам ёки умуман бўлмайди, албатта бу ҳолат муайян банкнинг мижоз сиёсатиغا боғлиқдир. Бундан ташқари, масалан, ахборот тақдим этиш шаклида қўлланиладиган интернет банкинг тизими учун фойдага асосланган самарадорлик кўрсаткичини аниқлашнинг ўзи ноўрин, чунки бу турдаги интернет банкинг мижозларга бепул равишда тақдим этилади. Масофавий банк хизмати тизимларининг самарадорлиги улар келтирадиган фойда эмас, балки тежалган харажатлар эвазига шаклланади. Бошқача қилиб айтганда, банк қурилишга ёки ижарага кетадиган харажатларни қисқартириш, банк ходимлари штати ва уларнинг бажарадиган ишлар ҳажмини қайта кўриб чиқиш, банк филиалларида бажариладиган кам даромадли операциялар салмоғини камайтириш имконига эга булади.

Мижозларга интернет орқали банк хизматини кўрсатиш тараққиётининг навбатдаги омили - бу электрон тижоратнинг ривожланиши ҳисобланади. Электрон тижоратнинг анъанавий тижоратдан фарқи шундаки, бу ҳолда фаолият фақат тармоқ ичида амалга оширилади.

Электрон тижорат тарихи 1914 йилдан, яъни General Petroleum Corporation of California корхонаси томонидан чиқарилган нефть маҳсулотлари учун тўлов кредит картасидан бошланган. 1982 йилнинг ноябрь ойида эса Nottingham Building Society қурилиш компанияси Шотландия банки ва British Telecom телефон компанияси ҳамкорлигида Homelink тизимини жорий этди ҳамда электрон тижорат сифатида телефон-banking дан олинди. Ўтган асрнинг 90-йилларда “.СOM” доменининг яратилиши билан Интернет глобал тармоғида электрон тўлов карталарини авторизация қилиш орқали товар ва хизматларнинг сотилишидан иборат бўлган веб-тижорат юзага келди. Замонавий тадбиркорлик фаолияти айнан шу йуналишда ривожлана бошлади ва бугунги кунда электрон тижорат нафақат жаҳон иқтисодиётининг катта салмоғини эгаллайди, балки ўз имкониятларини кундан-кунга ошириб ҳам бормокда.

Ғарбий Европа банклари ўртасидаги рақобатнинг тобора кучайиши натижаси ўлароқ миждозларни нафақат сақлаб қолиш балки янада кўпроқ жалб этиш мақсадида турли янги хизматлар ўйлаб торилди ва таклиф этила бошланди. Шу аснода XX асрнинг 80 йилларида банк хизматларининг “уйдан туриб фойдаланиш” сингари шакллари таклифи авжига чиқишни бошлади. 1982 йилнинг ноябр ойида Nottingham Building Society қурилиш компанияси ва Шотландия банки British Telecom телефон компанияси билан ҳамкорликда Homelink тизимини йўлга қўйди. Бу тизим ҳам 1983 йил ўрталарига қараб тўлиқ ҳажмда ишга туширилди ва шундан сўнг бу сингари хизматларни бошқа кредит ташкилотлари ҳам тақдим эта бошладилар.

Банк хизматларини фақат телефон орқали кўрсатиш имкониятини биринчи бўлиб инглиз банки First Direct (1989 йил) таклиф қилди. Бу банк иши тарихида илк маротаба фақат телефон орқали хизмат кўрсатадиган банкнинг юзага келганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз, чунки бу банкнинг бирорта ҳам бўлими йўқ эди. First Direct банки ўз миждозларига электрон каналлар орқали хизмат кўрсатаётган энг биринчи ҳамда ҳозирда ҳам жуда самарали фаолият юритаётган банклардан биридир.

Интернет орқали ўз хизматларини таклиф этувчи биринчи соф интернет банки 1995 йилда пайдо бўлган First Security Network Bank ҳисобланади. Электрон хизматларнинг биринчи йили натижаларига кўра унинг активлари 110 млн долларни ташкил қилган. Капиталининг ўртача ойлик ўсиши 20%ни ташкил этган. Мижозларининг ҳисобварақлари эса ўн мингтага ошган. 1997 йилда тўлиқ виртуал банкка айланган бўлсада, миждозларнинг ишончсизлиги туфайли муваффақиятсизликка учраган. 1998 йилда АҚШ нинг “Royal Bank Financial Group” томонидан сотиб олинган. Бу банк ўз хизматларини фақат интернет доирасидагина амалга оширади ва миждозлар билан ишлаш учун ҳеч қандай моддий шаклдаги офисга эга эмас. Бу банк ўз миждозларига банкнинг веб сайти орқали ҳар қил банк ҳисобварақлари очишга ва уларни бошқаришга, товар ва хизматлар учун тўловни амалга ошириш ва шахсий ҳисобварақамидаги




маблағларнинг қолдиқларини текширишга имконият беради. Банк мижозлари АҚШ нинг 45 та штатларида бор.

Европадаги биринчи Виртуал банк Германиядаги Дрезден банк гуруҳининг шўбаси бўлиб, ўз операцион фаолиятини 1996 йилда бошлаган “Advance Bank” ҳисобланади. Бу хилдаги банкларга бошқа мисоллар – Bankdirect (1999 йилда асос солинган), (1999 йилда асос солинган), Compubank (1998), Netbank (1996).

2001 йилнинг мартида Япония ҳукумати SONY корпорациясининг Online banking очиш учун лицензия берган. Бу банкда фақатгина биринчи ойнинг ўзида йигирма бир минг ҳисобрақам очилган. Америка ва япония виртуал банкирларининг муваффақияти шу билан ифодаланадики, 2004 йилдаги ҳар уч банкдан бири интернет банкинг ни қўллаган. Жаҳон банкининг маълумотига қараганда, 2010 йилда online banking фойдаланувчилар сони 300 млнгача ошди.

Банк хизматлари бозори электрон ҳужжат айланиши тизимига ўтган даврлардан бошлаб бир қанча турдаги электрон хизматлар қўлланила бошланди ва мижозларга кенг миқёсда таклиф этилди. Компьютер технологиялари ҳамда интернетнинг фаол қўлланилиши хилма хил банк хизматлари бозорини юзага келишига замин бўлди.

Масофадан туриб бошқариладиган банк хизматлари бевосита электрон воситалар ёрдамида амалга оширилиши табиий ҳолга айланиб борди. Натижада барча масофавий банк хизматларига янгича электрон банкинг деган таъриф ҳам ишлатила бошланди.



### 10-расм. Электрон банкингнинг турли гуруҳларга таснифланиши<sup>18</sup>

**Телефон banking** – стационар телефоннинг тонал хизмати ёки банкнинг Цалл-центра орқали ўз ҳисобрақамини бошқариш.

**PC banking** – Шахсий компьютер модеми ва “Банк-мижоз” дастури орқали ўз ҳисобрақамини бошқариш.

<sup>18</sup> Муаллиф томонидан тузилди.

**Видео-banking** – “Инфокиоск”лар ва видеоконференциялар орқали ўз ҳисобрақамини бошқариш.

**Мобил banking** – Мобиль телефон орқали ўз ҳисобрақамини бошқариш.

**Интернет банкинг** – Шахсий компьютер ва интернет тармоғи орқали ўз ҳисобрақамини бошқариш.

**АТМ банкинг** – банкоматлар орқали ўз ҳисобрақамини бошқариш.

**Интерактив телевизион banking** – замонавий телевизор ва интернетдан фойдаланган ҳолда ўз ҳисобрақамини бошқариш.

**Мобил банкинг турларига тавсиф:**

**WAP-банкнинг** – мобиль телефон ва интернет тармоғи орқали ўз ҳисобрақамини бошқариш.

**СМС-банкнинг** – қисқа хабарлар орқали ўз ҳисобрақамини бошқариш.

**STK-banking** – мобиль телефон сим-картасига ўрнатилган махсус дастур орқали бошқариш (бунда аниқ мобиль тармоқ операторига боғлиқ бўлади);

**JAVA-банкнинг** – мобиль телефон ўзига ўрнатилган махсус дастур орқали бошқариш (бунда мобил тармоқ операторига боғлиқ бўлмайди);

**NFC-банкнинг** (Near Field Communication) – 2-5 см оралиғида ишлайдиган радиотармоқ орқали фойдаланилади. Бунда махсус чип сотувчининг терминалида жойлаштирилади ва мижоз тўловини ўтказмоқчи бўлганида ўз мобиль телефонини ушбу терминалга яқинлаштиради, махсус идентификацион рақамларни тиради ва тўловни амалга оширади.

Энди эса ушбу банк хизмат турларига тўлароқ тасниф бериб ўтамыз.

**Мобил банкинг** — банк карталари ёки ҳисоб-рақамларини чўнтак ихчам компьютерлари, коммуникаторлар ва смартфонлар орқали бошқариш ҳисобланади. Онлайн тизимида ишлайди. Барча турдаги молиявий ҳужжатлар билан ишлаш имконини беради. Шифрлаш механизми ҳамда электрон рақамли имзо (ЭРИ)ни ўз ичига олган ҳолда жамоа бўлиб ишлаш имкониятини ҳам яратади. Mobile-Банкинг “Кафтингиздаги банк” концепциясини амалга оширган ҳолда туну кун ишлайди, тезкор ва мижозларнинг электрон банкинг хизматлари спектрдан тўлиқ функцияда фойдаланишни таъминлайди.

**Телефон банкинг** — банк ҳисоб-рақамларига ҳамда карталарига телефон орқали кириш дастури. Бу хизмат орқали жорий қолдиқлар ҳақида маълумот, факсга маълум муддат учун кўчирма (выписка), карталарни ҳисобини тўлдириш ёки блокда қолдириш, телефон тўловлари ва ҳоказоларни билиш имконига эга бўлинади.

Телефон банкингдан фойдаланилаётганда мижоз берилган рақамга телефон қилади ҳамда боғлангандан кейин телефонни товушли режимга ўтказди. Овозли менюнинг инструкциясига амал қилган ҳолда, ҳамда тегишли пунктни танлагач, мижоз керакли маълумотни овозли хабар ёки факс бўйича ҳужжат кўринишида олиш имконига эга бўлади.

Юқоридаги банк хизмат туридан асосан қўнғироқ марказлари фаолиятига ўхшаш тарзда фойдаланиш имкони бор ва ўзига хос жиҳати бунинг учун интернет тармоғи шарт эмас. Россиянинг жуда кўплаб банкларидан хусусан Банк24.ру банки ушбу хизмат турини ўз фаолиятида жуда кенг қўлламоқда. Австралия ва Янги Зеландиянинг ANZ банки, Буюк Британиянинг Lloyds TSB

банки ва Канаданинг CIBC банклари томонидан кўрсатилаётган Phone-Банкинг хизмат турини намуна сифатида кўрсатиш мумкин.

**Web-Банкинг** — Internet-Банкингнинг енгиллаштирилган кўриниши бўлиб, электрон рақамли имзо (ЭРИ) механизмига эга эмас, банк карталари ҳамда ҳисоб-рақамларига кириш имконини Интернет орқали ҳамда исталган Web-браузер орқали беришга мўлжалланган.

Ушбу банк хизмати тури асосан ривожланган мамлакатлардан АҚШ, Япония ва Ғарбий Европа мамлакатларида фаол қўлланилади. Бугунги кунда ушбу хизмат турини стандарт Интернет Explorer дастуридан фойдаланган ҳолда кўпчилик фойдаланмоқда.

**WAP-Банкинг** — банк карталари ҳамда ҳисоб-рақамларига киришни мобиль алоқа воситасидаги WAP орқали амалга ошириш имконини берувчи хизмат. Бунда мижоз банк олд ҳақида маълумот олиш, валюта курслари, ҳисоб-рақамдаги ва карталардаги жорий қолдиқ балансни билиш имконини беради. Ундан ташқари мижоз тегишли муддат учун ўзининг ҳисоби ҳақида кўчирма сўраш, карталарни тўлдириш ва блок қилиш, WAP-тўловларни амалга ошириши мумкин.

Ушбу хизмат турининг энг қулай жиҳати, интернетга кириш имкони бўлган ҳар қандай мобиль алоқа воситасининг WAP хизмати орқали кирилади ва ҳеч қандай махсус хизмат тури ёки дастурни талаб этмайди.

**SMS-Банкинг** - SMS ёрдамида банк карталари ҳамда ҳисоб-рақамларига кириш хизмати. Ушбу хизмат турида жорий қолдиқлар, ҳисоб ҳамда карталардаги маблағлар ҳаракати, ҳисоб-рақамидан кўчирма маълумотларини SMS-хабар тарзида олиш мумкин. SMS-хабарлари жўнатмаларини мижоз ўзи мустақил равишда Internet-Банкинг и PC-Банкинг орқали созлаши мумкин. Банк янгилик каналларига обуна бўлиш, SMS-сўровларни амалга ошириш имкониятлари ҳам яратилган.

**Телебанк тизими.** Мижозларга масофадан туриб хизматлар кўрсатишга телефон ва бошқа махсус дастурлар ёрдамида амалга ошириладиган Телебанк тизимини ҳам киритиш мумкин. Бунда телефон ва махсус дастурлар ёрдамида банкда ўрнатилган компьютер мижознинг саволларига автоматик тарзда жавоб беради. Телебанк мижозга турли маълумотларни оғзаки ва ёзма шаклда олиш, шунингдек, мижознинг ўз ҳисобварағи бўйича бир қанча актив операцияларини амалга ошириш имконини беради.

**РС-Банкинг** — офлайн тизимида банк карталари ҳамда ҳисоб-рақамларини бошқариш хизмати. Барча турдаги молиявий ҳужжатлар билан ишлаш имконини беради. Олдинги маълум бўлган Банк-Мижоз хизматининг эволюцион ривожланиши натижаси ҳисобланади. Электрон рақамли имзо шифрлаш механизмига эга, банк сервери билан боғланган ҳолатда мижозлик компонентларини автоматик янгилашни таъминлайди, жамоа бўлиб ишлаш имконини яратади ҳамда бухгалтерия дастурлари билан ўзаро алоқада ишлаш имкониятига эга.

“РС-Банкинг”да 2 та тизим “йирик” ҳамда “нозик” мижозларга мўлжалланган тизимларга бўлинади.

Яқин яқиндан бери банклар чакана хизматларининг шакли “нозик

мижозлар” учун мўлжалланган бўлиши тарафдори бўлишмоқда, чунки Интернет-банкнингда мижозлар ҳар қандай интернет тармоғига уланган компьютер ёрдамида махсус дастурий таъминот ўрнатмасдан туриб ҳам ишлаш имкониятига эга бўладилар. “Йирик мижоз” эса кўпроқ юридик шахслар билан ишлаш учун қулай ҳисобланади.

Биринчиси – бу “**Банк-мижоз**” тизими бўлиб, унда шахсий компьютерга кредит ташкилоти мутахассислари томонидан ўрнатиладиган етарли ҳажмдаги махсуслаштирилган ахборот дастурий таъминот (банк компьютерлашган тармоғига кириш, операциялар маълумотлар базасидан фойдаланиш, маълумотнома, шифрлаш воситалари ва ҳ.к.лардан фойдаланиш мумкин бўлган дастур) ўрнатилади.

Иккинчиси – бу интернет банкинг тизими бўлиб, маълум бир турдаги браузердан фойдаланган ҳолда маълумотни махсус идентификацияловчи ташувчилар (“кодлашган дискетлар”, “смарт карталар” ва ҳ.к.) ёрдамида ишлаш имконини беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Интернет-банкнинг– Банк-Мижоз тизимининг такомиллашган кўриниши ҳисобланади. Мижоз интернет тармоғига уланган компьютер ёрдамида банкнинг веб-сайт билан бевосита боғланган Интернет-банкнинг тизимига киради. Сўнгра мижоз авторизация механизми орқали ўзининг идентификациясини (айнан тегишли мижоз фойдаланаётгани тасдиғи) амалга оширади ҳамда шундан сўнг ўз ҳисоби ҳақида маълумотни билиши ёки бошқариш имкониятига эга бўлади. Мижознинг ўз ҳисо-варағи билан боғлиқ бўлган барча операциялар ҳақиқий банк проводкаларида намоён бўлади. Банк шу сингари операцияларни ўтказиш имкониятига айнан махсус ўрнатилган дастур бўлмиш – Интернет-банкнинг тизими орқали эга бўлади.

Ўзининг олдинги авлод вакилининг барча муносиб афзалликларини сақлаб қолган ҳолда, Интернет-банкнинг мижозлар учун қулай бўлган бир қанча қўшимча устунликларга ҳам эгадир:

- компьютерга қўшимча дастурий таъминотни ўрнатишнинг зарурати йўқ;
- мижоз ўзининг банкдаги ҳисоби ҳолати ҳақида энг тезкор маълумотни олиш имконига эга (банкда мижоз ҳисобига келиб тушган маблағ ҳақида маълумот банк билан бир вақтнинг ўзида мижозга ҳам маълум бўлади);
- мижоз ва банк ўртасидаги барча ҳужжатлар алмашинуви электрон кўринишда бўлади ҳамда мижоздан қоғоз кўринишидаги тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиш талаб этилмайди. Шунингдек, банк ҳам ўзидан мижознинг биринчи талабига биноан ҳар қандай банк ҳужжати қоғоз нусхаси кўринишида мажбуриятдан ҳам воз кечмайди.

Шу билан биргаликда, Интернет-банкнинг home-bankingнинг бир тури сифатида ҳам намоён бўлади. “**Home-banking**” – бу масофавий банк хизмати технологияси бўлиб, мижозга банк хизматларидан фойдаланиш имконини банк офисига бормасдан туриб бажариш имконини беради. Бу технология 80 йиллар бошида дунё юзини кўрган ҳамда шу пайтга қадар муҳим эволюцион босқичлардан ўтган. Home-banking ривожланиши учта асосий босқични ўз ичига олади. Биринчи босқич – телефон банкинг. Бугунги кунда бу банк

хизмати телефонларнинг овозли рақам териш имконияти билан кенгайтирилган. Иккинчи босқич – РС-банкнинг, мижозга ўз шахсий компютери ҳамда модеми ёрдамида банк серверига уланиш ҳамда банк операцияларини бажариш имконини беради (Интернет орқали эмас). Учинчи босқич – бу ҳозирги кундаги тармоқли ёки Интернет-банкнинг гуркираб ривожланаётган босқичидир. РС-банкнингдан у шуниси билан фарқ қиладики банк билан ҳамкорликда ишлаётган ташкилот Интернетнинг кенг имкониятларидан фойдаланиши мумкин.

#### **2.4. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида масофавий банк хизматларининг амалдаги ҳолати таҳлили**

Ўзбекистон Республикаси банк тизимида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган хизматлар юқори технологик хусусиятларга эга бўлиб, мижозларга масофавий хизматларнинг кенг ривожланишига замин яратди. Ҳозирги кунда республикамизда банклараро рақобатнинг ривожланиб бориши билан, тижорат банкларининг инновацион технологиялардан фойдаланиб банк хизматларини кўрсатиш амалиёти такомиллашиб бормоқда. Тижорат банкларида банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимлари (банк-мижоз, интернет банкинг, мобил-банкнинг, СМС-банкнинг)дан фойдаланувчилар сони ҳам доимий ортиб бормоқда.

Банклараро рақобатнинг ривожланиши тижорат банклари фаолиятини кенгайтиришга интилиб, юқори фойда олишга ҳаракат қилади. Банклараро рақобатда хизматлар бозорида юқори мавқега эга бўлиш, маълум банк хизматлар бозорини эгаллашда энг истиқболли ривожланиш йўналишилари билан бири замонавий банк хизматлари кўрсатиш амалиётини ривожлантириш ҳисобланади. Замонавий банк хизматлари бозори тижорат банкларига бир қанча устунликларни беради. Биринчи навбатда, ушбу хизматлар мижоз сегментининг асосий қисмини қамраб олади. Натижада, банк мижозлари базаси кенгайиши ҳисобига банкнинг кредит портфели ошади ва ресурс базаси мустаҳкамланади. Банкнинг бизнеси самарали ва барқарор бўлади ҳамда банк эгалари учун унинг обрўини ошириб, потенциал мижозларни кенг жалб қилишга замин яратади.

Замонавий банк хизматларига қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, ушбу хусусиятлари билан анъанавий банк хизматларидан фарқ қилади:

- замонавий банк хизматларини кўрсатиш масофадан туриб амалга оширилади;
- банк хизматлари замонавий компютер ва ахборот технологиялари асосида амалга оширилади;
- аксарият ҳолларда мижозларнинг ўзлари операционист вазифасини бажариб, банк ходимлари иштирокисиз амалга оширилади;
- макон ва замон танламайди, яъни дунёнинг исталган нуқтасидан ва исталган вақтда ушбу банк хизматларидан фойдаланиш мумкин.

Ҳозирги даврда тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган банк

хизматлари бошқа субъектлар томонидан кўрсатилаётган хизматларга нисбатан, инфор­ма­цион технологияларнинг ривожланишига мувофиқ, юқори ривожланиш тенденцияси кузатилмоқда. Чунки, бугунги кунда банклар фаолиятида инфор­ма­цион технологияларнинг қўлланилиши натижасида хизматлар кўрсатишни сифат жиҳатдан юқори босқичга олиб чиқмоқда.

Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари – бу ми­жознинг масофадан берган топшириқларига асосан(дистанцион) банк хизматларини тақдим этиш технологиялари ҳисобланади ҳамда компьют­ер ва телефон тармоқлари орқали амалга оширилади.

Ўзбекистонда тижорат банклари томонидан банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари қуйидаги турлари мавжуд:

1. “Банк-Мижоз” – бу компьют­ер орқали амалга ошириладиган тизим бўлиб, бунда ми­жознинг компьют­ерига мах­сус дастур ўрнатилади ва ушбу дастур компьют­ерда барча ми­жоз маълумотларни сақлайди. Банк ва ми­жознинг компьют­ери ўртасида модем орқали тўғридан-тўғри алоқа амалга оширилади ва хизматлар кўрсатилади.

2. Интернет-банкнинг – бу ми­жозларнинг банклардаги ҳисобварақларини интернет орқали бошқариш ҳу­қуқини берувчи тизим ҳисобланиб, ми­жознинг масофадан банк билан боғланган ҳолда реал вақт давомида тўловларни ўтказиш учун мўлжалланган банк хизматидир. Интернет-банкнинг тизими банкнинг веб-сервериде жойлаштирилади. Фойдаланувчи банкнинг веб-сайтида барча ўз маълумотлари (тўлов ҳужжатлар ва ҳисобварақлардан кўчирмалар)ни кўриб чиқиш им­кони­я­тига эга бўлади. Мобил банкнинг тизими интернет-банкнинг технологияси асосида яратилади ва ми­жозлар телефон орқали банк хизматларидан фойдаланиш им­кони­я­тига эга бўлади.

3. SMS-банкнинг – бу банк ми­жозларга уларнинг депозит ҳисобварақларидаги операциялар ҳақида SMS кўринишдаги маълумотларни олиш тизими бўлиб, банкнинг мах­сус телефон рақамига ми­жоз белгиланган SMS-сўровни юбориш орқали маълумот олиш мумкин.

4. Мобил-банкнинг – смартфонлар орқали банкларнинг мах­сус мобил иловасини ўрнатиш орқали банкга боғланиш им­кони­ни берувчи ва операцияларни амалга ошириш им­кони­ни берувчи тизимдир.

Мижоз учун SMS-банкнинг хизмати қуйидаги амалларни бажариш им­кони­я­тларини берилади:

1. ҳисобварағига келиб тушган маблағлар;
2. ҳисобварағидан қилинган харажатлар;
3. ҳисобварақ қолдиғи;
4. кун давомида ўтказилган банк операциялари ҳақида маълумот.

Тижорат банкларини хизматлари миқдорий тавсифи хизматлар сони, уларнинг қўлами ва доираси билан белгиланса, банк хизматларининг сифат тавсифи хизматлар сифати, тезкорлиги ва аниқ-адресли амалга оширилиши, бу хизматлардан ми­жозларнинг қаноатланиш даражаси билан ифодаланади. Тижорат банклари хизматлари миқдорий ва сифат тавсифи ҳамда унинг самарадорлиги улар томонидан баҳолаш соҳасидаги олиб борилаётган сиёсат билан узвий боғлиқдир. Турли банк хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ

ҳаракатларини шу жумладан, ушбу хизматлар учун асосланган баҳоларни аниқлаш ёрдамида тижорат банклари учун бозорнинг ўзгарувчан конъюнктурасига мослашиш имкони туғилади.

Замонавий ахборот технологиялари янги банк маҳсулотлари ва хизматларининг жорий этилиши мамлакатимиз банк хизматлари бозори кенгайишига шароит яратмоқда. Республикамизда бозор иқтисодиёти муносабатлари ривожлангани сари тижорат банклари ҳам чакана амалиётлар, мижозларга тақдим этадиган хизматлар турини ошириш орқали ўз фаолиятини диверсификациялашга эришмоқда.

Масофавий банк хизматлари кўрсатишни банккомат ва инфокиоскларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Фойдаланиши содда бўлган ушбу ускуналар бугунги кунда мижоз ва кассир ўртасидаги анъанавий муомалага чек қўйиб, ўзига хос мини-банк офиси вазифасини ўтамоқда. Ҳозирги пайтда банккоматлардан нафақат нақд пул ечиб олиш, балки улар орқали товар ва хизматлар бўйича турли тўловларни амалга ошириш мумкин.


Нақд пулсиз тўловлар ҳажмининг ўсиш динамикаси биринчи навбатда, товар ва хизматлар учун тўловларнинг банккоматлар орқали амалга оширилиши, пластик карталар воситасида кўрсатилаётган хизматлар кўлами ва инфратузилмасининг кенгайиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Тўловларни нақд пулсиз амалга оширишнинг инновацион шаклларига бўлган эҳтиёж муттасил ортиб бормоқда. Тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли тежамли, кам вақт ва ҳаракат сарфлайдиган, юқори ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда молиявий операцияларни амалга ошириш, маълумот олишга кўпроқ иштиёқ билдирмоқда. Мана шу эҳтиёжни инобатга олиб, тижорат банклари масофавий банк хизматлари кўрсатиш кўламини кенгайтиришга, бу йўлда эса глобал интернет тармоғи имкониятларидан самарали фойдаланиш чораларини кўришга интиломоқдалар.

Айни пайтда барча тижорат банклари интернет тармоғида ўзларининг веб-сайтларини очиб, уни банкнинг фаолиятига оид маълумотлар, янги хизмат турлари ва шартлари, мижозлар манфаатига тегишли ахборотлар билан мунтазам бойитиб бормоқда. Марказий банк веб-сайти орқали эса давлат интерактив хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилган.

Мамлакатимиз банк тизимининг ривожланишида албатта электрон тўлов тизимининг ривожланиши муҳим ўрин эгаллайди. Бугунги кунда тижорат банклари томонидан аҳолига “Банк-мижоз” дастури, мобиль банкинг, интернет банкинг, СМС банкинг ва ташқи ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи қурилмалардан яъни, банккомат, инфокиоск ва терминаллар каби масофадан бошқарилувчи хизмат турлари кўрсатилиб келинмоқда. Ушбу хизмат турларидан фойдаланувчилар сони ҳам йилдан-йилга ортмоқда.

3-расм маълумотларига кўра, республикамизда масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчиларнинг сони 2011 йилда 24545 тани ташкил этган бўлса, 2012 йилда 56735 тани, 2013 йилда 108496 тани, 2017 йилга келиб 2042111 тани, 2018 йилда эса 4453240 тани ва 2019 йилда 7959107 тани ташкил этган.



**11-расм. Масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчиларнинг сони (1 январь ҳолатига)<sup>19</sup>**

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банк бошқарувининг 2010 йил 23 октябрдаги 34/8-сонли Қарори билан тасдиқланган “Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларида ишлаш тартиби тўғрисида”ги Низоми тижорат банкларида банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизими орқали банк миждозлари банкнинг алоқа каналлари орқали ахборот алмашинуви яъни банклар масофадан банк хизматлари таклиф этишда муҳим аҳамият касб этди.<sup>20</sup>

Натижада, тижорат банкларида масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони 2011 йил 1 январь ҳолатига 24545 тани ташкил этган бўлса, 2020 йил 1 январь ҳолатига 10153458 тага етганини кўришимиз мумкин (3-жадвал).

Ушбу ўтган тўққиз йилдан ортиқроқ муддатда масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони 413 баробардан кўпроққа, фоиз ҳисобида 41366 фоиздан кўпроққа ортган. Ушбу хизматлардан фойдаланувчиларнинг 9462450 таси яъни, 93 фоиздан кўпроғи жисмоний шахслар эканлиги, хизматлар бозорида банк миждозлари интернет-банкнинг ва “Банк-миждоз” хизматларига нисбатан мобил-банкнинг ва СМС банкнинг хизматини танлаши сезиларли даражада бўлмоқда. Банклар кесимида эса АТ Халқ банки, “Агробанк” АТБ ва ТИФ Миллий банкларининг фойдаланувчилари 4263793 тани жами фойдаланувчиларнинг 42 фоизга яқинини ташкил этиши, ушбу банкларнинг республикаимиз бўйича банк филиаллари сонининг ҳам кўплиги билан ифодаланади.

3-жадвал

### **Ўзбекистонда масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчиларнинг сони 2020 йил 1 январь ҳолатига (донада)**

<sup>19</sup> [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) Ўзбекистон Республикаси Марказий банк расмий сайти маълумотлари асосида.

<sup>20</sup> Мамадияров З.Т. Ўзбекистонда масофавий банк хизматлари ва уларни ривожлантириш истикболлари. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2019 йил



№	Банк номи	Юридик шахслар ва ЯТТлар	Жисмоний шахслар	Жами
1.	ТИФ Миллий банки	52 969	1 657 243	1 710 212
2.	"Ўзсаноат-қурилиш банки" АТБ	31 464	777 366	808 830
3.	"Агробанк" АТБ	96 250	1 343 740	1 439 990
4.	"Ипотека-банк" АТИБ	98 400	870 055	968 455
5.	"Микрокредитбанк" АТБ	48 152	639 018	687 170
6.	АТ Халқ банки	91 332	1 022 259	1 113 591
7.	ЧЕКИ "Савдогар" АТБ	8 380	67 803	76 183
8.	АТБ "Қишлоқ қурилиш банк"	18 499	243 333	261 832
9.	"Туронбанк" АТБ	15 783	148 771	164 554
10.	ЧЕКИ "Hamkorbank" АТБ	69 714	716 852	786 566
11.	"Асака" АТБ	19 546	561 568	581 114
12.	"Ипак Йўли" АИТБ	18 783	314 381	333 164
13.	"Ziraat bank Uzbekistan" АЖ	1 174	13 218	14 392
14.	"Трастбанк" ХАБ	19 871	81 795	101 666
15.	АТ "Алоқабанк"	14 739	244 809	259 548
16.	"ҚДБ Банк Ўзбекистон" АЖ	600	31 664	32 264
17.	"Туркистон" ХАТБ	2 805	7 570	10 375
18.	Эрон "Содерот" шўъба банки	128	741	869
19.	"Универсал банк" АТБ	3 371	36 369	39 740
20.	"Капиталбанк" АТБ	21 519	128 297	149 816
21.	"Равнақбанк" ХАТБ	1 675	8 801	10 476
22.	"Давр-Банк" ХАТБ	17 772	49 817	67 589
23.	ЧЕКИ "Invest Finance Bank" АТБ	16 601	212 520	229 121
24.	"Asia Alliance Bank" АТБ	9 551	109 447	118 998
25.	"Hi-Tech Bank" ХАТБ	1 337	20 261	21 598
26.	"Ориент Финанс" ХАТБ	9 492	150 207	159 699
27.	"Мадад Инвест Банк" АТБ	427	2 235	2 662
28.	"Ўзагроэкспортбанк" АТБ	107	389	496
29.	"Пойтахт банк" АЖ	511	1 796	2 307
30.	"Tenge bank" АТБ	56	125	181
<b>Жами</b>		<b>691 008</b>	<b>9 462 450</b>	<b>10 153 458</b>

Манба: [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) Ўзбекистон Республикаси Марказий банк расмий сайти маълумотлари асосида.

Хусусан, "Ўзбекистон саноат-қурилиш банки" АТБда замонавий банк хизматлари сони ортиб бориши натижасида банк мижозларининг сони ҳам кескин равишда кундан-кунга ортиб бормоқда. "Ўзбекистон саноат-қурилиш банки" АТБ 2020 йил 1 январь ҳолатига масофавий банк хизматлари орқали 808 мингдан ортиқ жисмоний ва юридик шахслар мақомидаги мижозларига кенг кўламли турли банк хизматларини кўрсатиб келмоқда. "Ўзбекистон саноат-қурилиш банки" АТБ да масофавий банк хизматларининг янги турларини жорий қилиш, банк хизматлари сифатини ошириш ва мижозларига кўрсатаётган хизматларни қулайлаштириш ва хизмат ҳақларини арзонлаштириш, хизматлари кўламини кенгайтириш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.<sup>21</sup>

<sup>21</sup> Мамадияров З.Т. Ўзбекистонда масофавий банк хизматлари ва уларни ривожлантириш истикболлари. "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2019 йил

АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” банкида ҳам 2017 йилда жисмоний шахслар учун янги - “Депозит-банкнинг” хизматини жорий қилинди. Бу хизмат мобиль дастур бўлиб, банк омонатчилари бўлган жисмоний шахслар учун банк муассасаларига келмасдан шахсий мобиль телефонлари орқали ўзининг талаб қилиб олгунча ва муддатли омонат ҳисобрақамларидаги пул маблағларини:

- омонатларга ҳисобланган фоизларни чиқим қилиш;
- муддати келган омонатларни тўлиқ ёки қисман қайта расмийлаштириш (агар мижоз омонатини қисман расмийлаштираётган бўлса, қолган қисмини унинг талаб қилиб олингунча ҳисоб рақамига автоматик равишда ўтказилади);
- омонатни муддати келганда нақдсиз олиш;
- омонатни муддатидан олдин нақдсиз олиш имконига эга бўлади.

Шунингдек, “Депозит банкнинг” мобиль дастури ёрдамида банк мижозлари доимо ўзларининг омонатларининг муддатлари тўғрисида СМС хабарнома олиш имкони ҳам мавжуддир.

4-жадвал

**Ўзбекистонда банк инфратузилмаси ва масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони (31 декабрь ҳолатига, донада)<sup>22</sup>**

№	Турлари	2011 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2018/2011 йиллар ўзгариши (мартада)
1.	Чиқарилган банк карточкалари сони (минг дона)	7909	15215	16316	19523	19226	17686	2,2
2.	Банк карточкалари орқали йиллик транзакциялар ҳажми (млрд. сўм)	10192,4	22758,0	31324,0	53050,0	52972,0	63713,5	6,3
3.	Тўлов терминаллари сони	85741	169581	183060	208536	235712	244913	2,9
4.	Инфокиоск ва банкоматлар сони	491	1870	2345	4954	5632	6859	14,0
5.	<b>Масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилари</b>							
	Сони (донада)	24545	534800	1061022	2042111	4453240	7959107	324,3
5.1.	<i>Юридик шахслар ва ЯТТлар</i>							
	Сони (донада)	14241	62227	81492	135629	227879	359770	25,3
	Омонатчилар улуши, фоизда	1,2	4,3	5,4	8,3	13,0	19,1	
5.2.	<i>Жисмоний шахслар</i>							
	Сони (донада)	10304	472573	978530	1906482	4225361	7599337	737,5
	Омонатчилар улуши, фоизда	0,1	3,1	6,0	9,8	22,0	43,0	

4-жадвал маълумотларига кўра, 2011 йил 31 декабрь ҳолатига банк пластик карточкалари сони 7 млн. 909 мингтани ташкил этган бўлса, 2016 йилнинг шу даврида 19 млн. 523 мингтага етган. 2017 йилда банк пластик карточкалари сони 19 млн. 226 мингтани ташкил этди. 2018 йил 1 январдан “Дуэт” карточкалари орқали пул ўтказмалари тўхтатилганлиги сабабли, 2018 йилда

<sup>22</sup> Ўша манба.

банк пластик карточкалари сони 17 млн. 686 мингтагача камайган. Умуман олганда банк пластик карточкалари сони 2018 йилда 2011 йилга нисбатан 2,2 мартага ошган.

Гарчи 2018 йилда банк пластик карточкалари сони камайган бўлсада банк карточкалари орқали йиллик транзакциялар ҳажми ўтган 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада ўсганлигини кўришимиз мумкин. Яъни 2011 йилда 10192,4 млрд. сўмни, 2015 йилда 31324,0 млрд. сўмни, 2017 йилда 52972,0 млрд. сўмни ва 2018 йилда эса 63713,5 млрд. сўмни ташкил этган. Бу эса банк карточкалари орқали йиллик транзакциялар ҳажми 2018 йилда 2011 йилга нисбатан 6,3 мартага кўп бўлганлигини кўрсатмоқда. Тўлов терминаллари ҳам ушбу даврда яъни 2011 йилда 85741 тани ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб 244913 тага етган. Ушбу даврда тўлов терминаллари сони 2,9 мартага ошган. Инфокиоск ва банкоматлар сони 2000 йилда атига 98 тани ташкил этган бўлса, 2005 йилда 171 тани, 2010 йилда эса 363 тани ташкил этган. 2011 йилга келиб 491 тага етган бўлса, 2018 йилда уларнинг сони 6859 тагача ортган ва уларнинг сони 2018 йил 31 декабрь ҳолатига 2011 йилга нисбатан 14 баробарга органини кўришимиз мумкин.<sup>23</sup>

Банк депозиторлари миллий ахборотлар базасида рўйхатга олинган миждозлар сони 2011 йилда 1159890 тани ташкил этган бўлса, 2019 йил 1-январь ҳолатига 1880634 тага етган. Яъни ушбу даврда омонатчилар сони 1,62 баробарга ошган. Банк депозиторлари миллий ахборотлар базасида рўйхатга олинган миждозлар ҳисобварақлари сони эса 2011 йилда 3926356 тани ташкил этган ва ҳар бир миждозга 3,4 тадан ҳисобварақ тўғри келган, 2018 йилда эса ҳисобварақлари сони 7263621 тани ва ҳар бир миждозга 3,9 тадан ҳисобварақ тўғри келган. 2018 йилда 2011 йилга нисбатан банк депозиторлари миллий ахборотлар базасида рўйхатга олинган миждозлар ҳисобварақлари сони 1,85 мартага кўпайган.<sup>24</sup>

Ўзбекистонда инфратузилмани ривожлантириш ҳисобига банк хизматларининг тарқалиши аста-секин ўсиб бормоқда, аммо аҳолининг катта қисмини асосий банк маҳсулотлари билан ҳали ҳам етарлича таъминланмаган. Ўзбекистонда 2018 йил 1 январь ҳолатига вояга етган ҳар 100000 кишига тўғри келадиган банкомат ва инфокиосклар сони 25 тани ташкил этса, кўшни Қозоғистонда эса бу кўрсаткич 75 тани, Японияда 128 тани ва Канадада эса 230 тани ташкил этган. Ўзбекистонда ҳам бу кўрсаткич 2019 йил 1 январь ҳолатига бироз яхшиланган, яъни банкомат ва инфокиосклар сони 6859 тани ташкил этган ва вояга етган ҳар 100000 кишига 44 тани ташкил этган.

Масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилари сони 2011 йилда бор-йўғи 24545 тани ташкил этган бўлса, 2018 йил 31 декабрь ҳолатига 7959107 тага етган. Масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилари сони 2018 йилда 2011 йилга нисбатан 324,3 баробарга ортган. Масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилари сонининг кескин ортиши, жисмоний шахсларнинг бу хизматлардан фойдаланиш кўлами кенгайгани ҳисобига, чунки масофавий банк хизматларидан фойдаланувчи юридик шахслар ва ЯТТлар сони 2011 йилда

<sup>23</sup> Мамадияров З.Т. Ўзбекистонда масофавий банк хизматлари ва уларни ривожлантириш истикболлари. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2019 йил

<sup>24</sup> Ўша манба.

14241 тани ташкил этган, 2018 йил 31 декабрь ҳолатига эса 359770 тага етган, яъни ушбу давр мобайнида 25,3 маротабага ошган бўлса, ушбу хизматларда фойдаланувчи жисмоний шахсларнинг сони 2011 йилда 10304 та бўлган бўлса, 2018 йил 31 декабрь ҳолатига 7599337 тага етган ва 2018 йилда 2011 йилга нисбатан 737,5 маротабага ошган (4-жадвал).

Банк депозиторлари миллий ахборотлар базасида рўйхатга олинган миждозлар сони 2011 йилда 1159890 тани ташкил этган бўлса, шундан 14241 таси яъни 1,2 фоизи масофавий банк хизматларидан фойдаланувчи юридик шахслар ва ЯТТлар, 2018 йил 31 декабрь ҳолатига эса банк депозиторлари миллий ахборотлар базасида рўйхатга олинган миждозлар сони 1880634 тага етган ва шундан 359770 таси масофавий банк хизматларидан фойдаланувчи юридик шахслар ва ЯТТлар ташкил этган.

Муомалага чиқарилган банк карточкалари сони 2011 йилда 7909 минг тани ташкил этган бўлса, шундан 10304 таси яъни 0,1 фоизи масофавий банк хизматларидан фойдаланувчи жисмоний шахслар ташкил этган, 2018 йил 31 декабрь ҳолатига эса муомалага чиқарилган банк карточкалари сони 17686 минг тага етган ва шундан 7599337 таси яъни 43 фоизи масофавий банк хизматларидан фойдаланувчи жисмоний шахслар ташкил этган. Яъни, жисмоний шахслар ўртасида шахсий пластик карточкаларидаги пул маблағларни бошқаришда мобиль иловаларнинг аҳамияти кундан-кунга ортиб бораётганлидан далолат бермоқда (4-жадвал).

5-жадвал

**Вояга етган ҳар 100000 кишига тўғри келадиган банкомат ва инфокиосклар сони (2019 йил 1 январь ҳолатига)**

Эгаллаб турган ўрни	Давлат номи	Сони
1	Макао (Китай)	325
2	Жанубий Корея	273
3	Канада	221
4	Сан Марино	192
5	АҚШ	174
6	Австрия	169
7	Португалия	166
8	Россия	161
9	Хорватия	148
